

# ОИЛК

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал,  
1433, Зулҳижжа, 5-сон

*Аёлнинг ҳажи*

*Хожар онамиз*

*Байтуллоҳнинг  
курилиши*

**Muslimaat.uz**

**Бисмиллахир роҳманир роҳийм  
Алҳамдулилаҳи Роббил аъламийн  
вассолату вассаламу ала хойри холқихи  
Мұхаммад ва ала алихи ва соҳиҳи аж-  
маъийн.**

Ассаламу алайкум ва раҳматуллохи ва  
барокатух, «Омина» журналининг ходим-  
лари ва ўкувчилари!

Сиз мұхтарам ва мұхтарамаларни мұ-  
сулмон умматининг икки улуғ байрамидан  
бири бўлмиш Қурбон ҳайити билан чин  
қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Бу байрам ҳаж ибодатига боғлиқ байрам  
бўлиб, мусулмон уммати томонидан барча  
нарсани Аллоҳ таолога қурбон этишга та-  
йёр эканлигини изҳор этиш байрамидир.  
Бу байрамни Аллоҳ таоло ҳаммамиз учун  
кувонч ва суур байрами, шодлик ва гуур  
байрами бўлишини насиб этсин. Аллоҳ  
таоло барчамизни бу каби байрамларга соғ-  
саломат, тинч-омон, Ўзининг ибодатида  
собитқадам бўлган ҳолимизда қайта-қайта  
эришишимизни насиб этсин. Улуғ байрам  
билан чин қалбдан табриклаб, барчангизга  
соғлик-саломатлик, баҳту саодат, хайр-ба-  
рака тилаб қоламан. Яна бир бор ҳамман-  
гизга Қурбонлик байрами қутлуғ бўлсин!

**Шайх Мұхаммад Содик  
Мұхаммад Юсуф**



**«Омина» электрон журналининг  
ҳайъат аъзолари:**

**Дилором Гозиева**

**Нозима Муратова**

**Назокат Қосимова**

**Дилафруз Юсупова**

**Оминахон Мұхаммад Юсуф**

**Одинахон Мұхаммад Юсуф**

**Наргиза Атажанова**



**Дизайнер: Равшан Маликов**


**Муҳаррир: Барно Саидраҳмон**

**Электрон манзил: muslimalar1@gmail.com**



# ХАЖ ВА УМРАНИ

## АЛЛОҲ УЧУН ТУГАЛ АДО ЭТИНГ



**«Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун тугал адо этинг.** Агар ушланиб қолсангиз, мұяссар бўлган ҳадий (вожиб). Ҳадий ўз жойига етмагунча, сочингизни олдирманг. Сиздан ким бемор бўлса ёки бошида озор берувчи нарса бўлса, унга рўза тутиш, ёки садақа бериш, ёхуд курбонлик сўйиш ила фидя (вожиб). Агар тинч бўлсангиз, ким умрадан ҳажгача баҳраланган бўлса, унга мұяссар бўлган ҳадий (вожиб). Ким топа олмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганингизда рўза тутиш (вожиб). Ана ўша тўлиқ ўн кундир. Бу аҳлу оиласи **Масжидул Ҳаромда яшамайдиганлар учундир.** Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда билингки, албатта, Аллоҳ иқоби шиддатлидир».

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло ҳаж ва умрани Ўзи учун тугал адо этишга буюрмоқда.

**«Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун тугал адо этинг».**

«Ҳаж» сўзи лугатда улуғ нарсани қасд қилишга нисбатан ишлатилади. Ислом шариатида эса ҳаж махсус замонда, махсус маконда, махсус амаллар билан махсус ибодатни адо этишдир.

*Махсус замон.*

Ҳаж факат маҳсус вақтда адо қилинади. Хусусан, унинг бош руқни – Арафотда туриш зулхижжа ойининг тўққизинчи куни бўлиши шарт. Бошқа вақтда ҳар қанча турса ҳам, ҳаж ҳисобланмайди.

*Махсус макон.*

Ҳаж ибодатини адо этиш учун Аллоҳ томонидан ирода қилинган маконлар – Масжидул Ҳаром, Арафот, Муздалифа, Мино каби жойлар махсус макондир. Бошқа жойларда бу ибодатларни адо этиш мумкин эмас.

*Махсус амаллар.*

Бунда эҳром, Каъбани айланиб тавоғ қилиш, Сафо ва Марва орасида саъӣ қилиш, Арафотда туриш, Муздалифада тунаш, шайтонга тош отиш каби амаллар кўзда тутилган.

Бу ибодат аҳли аёлининг ҳожатидан ортиқча етарли маблағи бор, соғлом, омонлиқдаги хотиржам мусулмонга умрида бир марта фарз бўлади.

«Умра» сўзи эса лугатда «зиёрат ва ободлик» деган маъноларни билдиради. Ислом шариатида эса Байтуллоҳни тавоғ қилиб, Сафо билан Марва ўртасида саъӣ қилиб бажариладиган махсус

зиёратга умра дейилади.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло ҳаж ва умранинг фарзларини, шартларини тугал, бенуқсон қилиб, Аллоҳ учун адо этишга амр қилмоқда. Шу билан бирга, «Ҳаж ёки умрани ният қилиб, ибодатни бошласангиз, охирига етказинг» деган маъно ҳам бор. Бу амри илоҳийга биноан, ҳаж ёки умрани ният қилиб, эҳромга кирган ҳар бир мусулмон уни охиригача тугал қилиб адо этишга уринади. Лекин инсоннинг иродасидан ташқари ҳолатлар ҳам содир бўлиши мумкин. Касаллик оriz бўлиши ёки Набий алайҳиссалом бошчиликларида Байтуллоҳни ҳаж қилишга келаётган мусулмонларни мушриклар тўсгани каби, йўлни душман тўсиши мумкин. Ундан ҳолатда нима бўлади?

Оятда бу саволга жавобан:

**«Агар ушланиб қолсангиз, мұяссар бўлган ҳадий (вожиб)», дейилмоқда.**

Шариати исломияда ҳожи ёки умрачининг душман ёки касаллик ёхуд бошқа сабабга кўра ибодатни адо эта олмай қолишига «эҳсор» дейилади.

«Ҳадий» «ҳадия» сўзининг жами бўлиб, ҳаж ёки умрага чиққан одам ўзи билан бирга қурбонлик қилиш учун олиб чиққан қўй, эчки, мол ёки туюдан иборат ҳайвонга айтилади. Ўша пайтда Байтуллоҳ зиёратига чиққан одам бу ҳайвонлар қурбонликка аталганини билдириш учун бўйнига хурмонинг пўстлоғидан аломат – белги ҳам осиб қўяр эканлар. Буни қўрган одамлар у ҳайвонга тегмас, йўқолиб қолса ҳам, Ҳарамга боргунича юраверар экан.

Демак, эҳсор бўлган (ушланиб қолган) киши ҳадий (қурбонлик) қиласар экан. Албатта, ният билан чиққан ҳожи ёки умрачи ибодатини Аллоҳ таоло айтиганидек тугал бажариши керак эди. Аммо эҳсор туфайли ниятини амалга ошира олмай қолди. Аллоҳ меҳрибон, бандаларига енгилликни хоҳлайди. Ушланиб қолганлар ўзлари мұяссар бўлган қурбонликни қилиб, соchlарини олдирсалар, улар ҳам ибодатларини тугал қилган ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам бу амалларни худди ибодатни тугал адо қилаётган ҳожи ёки умрачи каби адо этишга амр бўлмоқда:

**«Ҳадий ўз жойига етмагунча, сочингизни олдирманг».**

Ҳанафий мазҳаби бўйича, эҳсор туфайли

тутилиб қолган киши қурбонликни бошқалар орқали юборади ва унинг Ҳарамда сўйилгани ҳақидаги хабар келгунча сочини олдирмай, эҳромдан чиқмай туради. Айтилган амрни бажаргандা, у ҳам ибодатини тугал адо этган ҳисобида ажр олади.

Олтинчи хижрий йилда мусулмонлар Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом раҳбарликларида ният қилиб, эҳромга кириб, ҳадий олиб келгандарида, мушриклар уларнинг йўлларини тўсиб, ибодатдан ман қилишган. Ҳудайбия номли жойда Пайғамбаримиз ўзлари билан етаклаб келган қурбонликларини сўйиб, соchlарини олдирғандаридан кейин сахобалар ҳам шундай қилганлар ва ҳаммалари орқаларига қайтганлар. Фатҳ сурасида бу ҳақда тўлиқ хабар келади.

Ҳаж ёки умрани тугал адо этганлар ҳам, эҳсор туфайли ушланиб қолганлар ҳам қурбонликни жойига етказиб, сўйганидан сўнг сочини олдириб ёки қисқартириб, эҳромдан чиқадилар. Буни билгандан сўнг «Мабодо эҳромдаги одам сочини олдиришга мажбур бўлиб қолса-чи?» деган савол пайдо бўлди. Бу саволга жавоб оятда:

**«Сиздан ким бемор бўлса ёки бошида озор берувчи нарса бўлса, унга рўза тувиш, ёки садақа бериш, ёхуд қурбонлик сўйиш ила фидя (вожиб)», деб келмоқда.**

Бирор сочини олдирмаса бўлмайдиган бир касалга чалинди ёки бошига бит тушиб кетди, ёки яра тошди. Шунга ўхшаш ҳолларда қурбонлик сўйишдан олдин сочини олдиради-да, хоҳласа, уч кун рўза тутади ёки олтида мискинга овқат беради, хоҳласа, бир сўйиши сўйиб, тўлов тўлайди. Бу шариатда «фидя бериш» дейилади.

Имом Бухорий Каъб ибн Ужра розияллоҳу анхудан ривоят қиладиларки, у киши:

«Мени Расулуллоҳнинг ҳузурларига кўтариб олиб боришиди, бит юзимга сараб, тушиб турар эди. У зот алайҳиссалом:

«Сени бу ҳолга тушиб қолган деб ўйламаган эдим. Қўйинг борми?» дедилар. Мен:

«Йўқ», дедим. У киши:

«Уч кун рўза тут ёки олтида мискинга таом бер. Ҳар бир мискинга ярим соъ бер, сўнг сочинги олдир», дедилар.

Сўнг ҳажнинг бошқа ҳукми баён қилинади:

**«Агар тинч бўлсангиз, ким умрадан ҳаж-**

**гача баҳраланган бўлса, унга мұяссар бўлган ҳадий (вожиб)».**

Яъни эҳсор бўлмаса, душман йўлини тўсмаса, тинч-омон бориб, ибодатни тугал адо этса, умрадан сўнг эҳромдан чиқиб, оддий ҳолатдаги каби, хамма нарсалардан манфаатланиб, хузур қилиб юрса, мұяссар бўлган қурбонликни қилсин. Бу шариатда «таматтуъ» дейилади ва лугатда «фойдаланиш», «маза», «хузур қилиш» деган маъноларни англатади. Унда ҳаж қилмоқчи бўлган одам эҳромга кираётган пайтда аввал умра ни янат қиласди.

Маккай Мукаррамага келиб, Байтуллоҳни тавоғ қилиб, Сафо ва Марва орасида саъини адо этгандан сўнг эҳромдан чиқади. Ҳаж вақти келгунча эҳром ман қилган нарсалардан фойдаланиб, хузур қилиб юриши мумкин бўлади.

Ҳаж вақти – зулхижжанинг саккизинчи куни келганда, ҳажни ният қилиб, эҳромга киради ва ибодатларни адо этишни бошлайди. Бир сафарда икки ибодатни адо этгани, орада умрадан сўнг ҳажгача эҳром ман қилган нарсалардан фойдалангани, хузур қилгани учун мұяссар бўлганича қурбонлик қиласди.

**«Ким топа олмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганингизда рўза тутиш (вожиб)».**

Демак, таматтуъ қилган одамнинг сўйгани қурбонлиги бўлмаса, у камбағал бўлса, уч кун ҳажда – умрага эҳром боғлагандан то ийди қурбон кунигача бўлган муддатда рўза тутади. Уламолар: «Арафа кунидан аввалги уч кун бўлса яхши бўлади», деганлар. Ҳаждан қайтгандан кейин етти кун, хаммаси бўлиб ўн кун рўза тутиш керак.

**«Бу аҳлу оиласи Масжидул Ҳаромда яшамай-диганлар учундир»,** яъни таматтуъ ва унга боғлиқ нарсаларни қилиш ҳаммага ҳам буюрилмаган. Ҳарам худудида яшайдиганларга таматтуъ мумкин эмас.

Аввалги ишлар баёнида таъкидланганидек, ҳаж ва умрада ҳам қалблар тақвога буюрилмоқда:

**«Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда билингки, албатта, Аллоҳ иқоби шиддатлидир».**

Сўнгра яна ҳаж аҳкомларини баён қилишда давом этилади:

الحج أشهـر مـعلومـت فـمن فـرض فـيهـ الحـج فـلا رـفـث وـلـا  
فـسـوق وـلـا جـدـائـ في الـحـج وـمـا تـفـعـلـوا مـن حـيـر يـعـلمـهـ اللهـ  
وـتـكـزـوـدـوـا فـإـلـيـ خـيـرـ الـرـادـ الـنـقـوـيـ وـأـنـقـونـ يـتـأـفـلـيـ الـأـلـبـتـبـ

**«Ҳаж маълум ойлардир. Кимки уларда ўзига ҳажни фарз қилса, ҳажда шаҳвоний нарсалар, фисқ ва жанжал иўқдир. Нима яхшилик қилсангиз, Аллоҳ уни биладир. Озуқа олинг, энг яхши озуқа тақводир. Менга тақво қилинг, эй ақл эгалари!»**

Демак, ҳаж доим бўлавермас экан, уни адо этиш учун маълум вақт, маълум ойлар бор экан.

**«Ҳаж маълум ойлардир».**

Ҳаж ойлари – шаввол ва зулқаъда ойлари тўлиқ, зулхижжа ойининг биринчи ўн кунидир. Мана шу пайтда ҳажни ният қилиб, эҳромга кирса бўлади. Албатта, зулхижжа ойининг ўнинчи куни, яъни қурбон ҳайити куни бундан мустаснодидир.

**«Кимки уларда ўзига ҳажни фарз қилса, ҳажда шаҳвоний нарсалар, фисқ ва жанжал иўқдир».**

«Ўзига ҳажни фарз қилиш» – ҳажни ният қилиб, эҳромга кириш, деганидир. Демак, унда одамга шаҳвоний ишлар, яъни жинсий яқинлик ва у хақидаги гап-сўзларни сўзлаш ва шунга ўхшаш нарсалар мумкин бўлмайди. Яна ҳажда:

Фисқ – катта-кичик гуноҳ ишларни қилиш;

Жанжал – одамлар билан талашиб-тортишиш ва сўкишиб, бир-бирининг жаҳлини чиқариш каби ишлар ҳам мумкин эмас. Чунки ҳаж қилувчи инсон улуғ мақомга эришган бўлади. У дунёнинг ҳаммасидан юз ўгириб, ажраб, Аллоҳга юзланади, Роббул оламиннинг уйини зиёрат қилгани чиққан бўлади. Шу боис, олий даражадаги одоб билан одобланиши зарур. Ҳамма ёмон нарсаларни тарқ этиб, яхши ишларни қўпроқ қилиши лозим. Чунки

**«Нима яхшилик қилсангиз, Аллоҳ уни биладир».**

Шу билан бирга, ҳажга кетаётган одамга ҳам руҳий, ҳам моддий озуқа билан озуқаланиб олиш тавсия қилинади ва руҳий озуқа муҳим экани таъкидланади:

**«Озуқа олинг, энг яхши озуқа тақводир».**

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розиял-

лоҳу анхудан ривоят қиласиларки, у киши:

«Яман аҳли ҳажга озуқа олмай келишар, «Биз таваккул қилувчилармиз», дейишар эди. Маккага келгандан сўнг одамлардан тиланчилик қилишга тушишарди», деганлар.

Бошқа бир ривоятда келишича, яманликлар: «Аллоҳнинг уйини ҳаж қиласиз-у, бизни оч қўярмиди», дейишар экан. Бу, албатта, ҳар бир нарсага тайёргарлик кўриб юришга буюрадиган Ислом таълимотига хилофдир. Ҳам бу ҳажини Аллоҳга миннат қилишга киради. Шунинг учун ҳам оятда Аллоҳ таоло ҳам руҳий, ҳам моддий озуқа билан озуқаланиб олишга амр қилмоқда:

**«Озуқа олинг, энг яхши озуқа тақводир. Менга тақво қилинг, эй ақл эгалари!»**

لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَبْتَغُوا فَضْلًا مِنْ  
 رَبِّكُمْ فَإِذَا آفَضْتُمْ مِنْ عَرَقَتِي فَأَذْكُرُو أَللَّهَ  
 عِنْدَ الْمَشْعَرِ الْحَرَامِ وَأَذْكُرُوهُ كَمَا هَدَنَاكُمْ وَإِنْ  
 كُنْتُمْ مِنْ قَبْلِهِ لَمَنِ الْأَضَالَّينَ  
١٩٨

**«Роббингиздан фазл исташингизда сизга гуноҳ йўқ. Арафотдан қайтиб тушганингизда, Машъарул Ҳаромда Аллоҳни зикр қилинг. Сизни ҳидоятга бошлагани учун У Зотни зикр қилинг. Дарҳақиқат, илгари адашувчилардан эдингиз».**

Оятда зикр қилинган «фазл» сўзи «ризқ», «касб» маъноларини англатади. Одамлар ўртасида «Ҳажга борган киши тижорат билан ёки бошқа бирор касб билан шуғулланса бўлмайди» деган тушунча бор эди.

Ином Насафий ривоят қилишларича, бир қавм «Ҳаммоллик ва тожирлик қилган одамнинг ҳажи ҳаж бўлмайди» деган гапни тарқатганида шу оят нозил бўлган экан. Шунга ўхшаш маънолар бошқа ривоятларда ҳам келган.

Ином Аҳмад қилган ривоятда Абу Умома айтадиларки:

«Абдуллоҳ ибн Умардан:  
«Биз кира(га ижара бериб, тижорат) қиласиз, ҳажимиз ҳаж бўладими?» деб сўрадим. У:

«Байтуллоҳни тавоф қилиб, Арафотда вуқуф қилиб, тош отиб, сочингизни олдирасизми?» деди. Биз:

«Албатта», дедик. У деди:

«Бир одам Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб, ҳозир сен мендан сўраган нарсани сўраган эди, жавоб бермай турдилар. Сўнг «Жаброил «Роббингиздан фазл исташингизда сизга гуноҳ йўқ» деган оятни олиб тушди», дедилар».

Имом Бухорий қилган ривоятда Абдуллоҳ ибн Аббос:

«Указ, Мажална, Зул-Мажозлар жоҳилият бозорлари эди. Ҳаж мавсумида савдо қилиш гуноҳмикан, деб иккиланиб қолганларида, Аллоҳ тарафидан «Роббингиздан фазл исташингизда сизга гуноҳ йўқ» деган оят нозил бўлган», дедилар.

Ибн Жарирнинг ривоятларида Абу Солих ҳазрати Умардан:

«Эй мўминларнинг амири! Ҳажда тижорат қилармидингиз?» деб сўраганида у киши:

«Тирикликларим ҳаждан бўларди-да», деб жавоб берган эканлар.

Айни чоғда уламолар: «Кимки ҳаж ва тижоратни ният қилса, тижорат нияти устун бўлса, ҳажнинг савоби қолмайди», деганлар. Демак, олдин тижорат, кейин ҳаж бўлиши керак эмас. Ҳажга астойдил ҳаракат қилиб, орада бўш вақтларда тижорат қилса бўлаверади. Ҳалол йўл билан ризқ талаб қилиш ҳеч айб бўлмайди.

Ризқ талаб қилиш ҳақидаги гаплардан кейин бевосита ҳаж ибодатларининг баёни келиши ҳам бежиз эмас.

**«Арафотдан қайтиб тушганингизда, Машъ-арул Ҳаромда Аллоҳни зикр қилинг».**

«Арафот»нинг луғатдаги маъноси ҳақида ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхудан қилинган ривоятда айтилишича, Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга ҳазрати Жаброил алайҳиссаломни юбориб, ҳажни ўргатган. Арафотга келганларида: «Арафта?» (яъни «Танидингми?») деб сўраган экан. Чунки Иброҳим алайҳиссалом у ерга бундан аввал ҳам бир марта келган эканлар. Шундан ўша жой Арафот деб номланиб қолган экан. Яъни бу сўз «билиш», «таниш» деган маъноларни англатади.

Арафотда туриш ҳажнинг бош ибодати, руҳни ҳисобланади. Набий алайҳиссалом: «Ҳаж Арафотдан иборатдир», деганлар. Ҳожи арафа куни заволдан бошлаб, шу куннинг шомигача бўлган муддатда Арафотнинг чегараси ичида

бир оз бўлса ҳам турмаса, ҳажи ҳаж бўлмайди.

Набий алайҳиссалом видолашув ҳажини қилганларида, пешинни ўқигандан сўнг қуёш ботгунча турганлар. Арафотдан қайтиб тушиш қуёш ботгандан сўнг бошланади. Оятда «Аллоҳни Машъарул Ҳаромда зикр қилинг», дейилмоқда. Машъарул Ҳаром эса Муздалифа, деганидир. «Машъар»нинг маъноси – «очик аломат». Муздалифанинг бу ном билан аталиши у ер ҳарам худудида бўлганидандир. «Муздалифа»нинг маъноси «яқинлашиш» бўлиб, ҳожилар у ерга тушганларида Байтуллоҳга яқинлашадилар. Ҳожилар шом ва хуфтон намозларини қўшиб, Муздалифада ўқийдилар. Ҳанафий мазҳабига кўра, Муздалифада ҳайит куни фажрдан кейин бир лаҳза бўлса ҳам туриш вожибdir. Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалом ҳам ўз ҳажларида Муздалифада бир аzon икки иқома билан шом ва хуфтон намозларини қўшиб ўқиганлар. Сўнгра фажргача ёнбошлиб, тонг отгандан сўнг бомдодни ўқиб, кейин тяяларини миниб, Машъарул Ҳаромга келганлар ва қиблага қараб дуои такбирлар қилганлар. Тонг ёришгандан сўнг юриб кетганлар.

Аллоҳ таоло мусулмонларга Машъарул Ҳаромда Ўзини зикр қилишга буюрмоқда, уларни ҳидоятга бошлагани учун зикр қилмоқ или шукр келтиришга амр этмоқда.

**«Сизни ҳидоятга бошлагани учун У Зотни зикр қилинг. Дарҳақиқат, илгари адашувчилардан эдингиз».**

Илгари мусулмонлар Исломдан олдинги ҳаётлари билан мусулмон бўлганларидан кейинги ҳаётларини солиштириб кўриб, бу улуғ неъматларни тушуниб етар эдилар ва уни берган Аллоҳга шукр қилар эдилар. Ҳозирги кунда ҳам янги мусулмон бўлганларнинг кўплари фақат мусулмон бўлганларидан кейингина ўзларини ҳақиқий инсон деб ҳис қилаётганларини айтиб, уларни ҳидоятга бошлаган Аллоҳга шукр айтмоқдалар. Асли мусулмон бўлиб келаётганлар эса мусулмон бўлмаган кишиларни кўриб, уларнинг залолат ботқоғида тортаётган азобларини билиб, ўзларни ҳидоятга бошлаган Аллоҳга шукрлар айтадилар.

Инсон илоҳий таълимотдан узоқлашганда турли номаъқулчиликларни қилади. Жумладан, ўзини мақташ, мутакабирилик қилиш, ўзини бошқалардан устун қўйиш каби хислатлар улар-

нинг асосий сифатларига айланади. Жоҳилият даврида Қурайш қабиласи бошқа араблардан ўзларини юқори тутишар, улардан ажralиб турдиган баъзи имтиёзларни ўзларига раво кўришар эди. Ҳаж қилганда бошқаларга қўшилмас, Арафотда ҳам алоҳида туришар эди. Арафотдан қайтиб тушишда ҳам айрим бўлиб, одамлардан бошқа жойда имтиёзли бўлиб туришарди.

Ҳаж ибодатидаги кўпгина нотўғри нарсаларни тўғрилагани каби, Куръони Карим бу ноўрин ишни ҳам тўғрилаб, шундай дейди:

ثُمَّ أَفِيضُوا مِنْ حَيْثُ أَكَانُ وَأَسْتَغْفِرُوا  
اللَّهُ أَكْبَرُ اللَّهُ عَفُورٌ رَّحِيمٌ

**«Сўнгра одамлар қайтиб тушган жойдан тушинглар. Ва Аллоҳдан мағфират талаб қилинглар. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир».**

Ислом тенглик динидир. Бу нарса, айниқса, мусулмонларнинг йиллик умумий йиғилиши бўлмиш ҳажда яққол кўзга ташланади. Унда кишилар барча имтиёзлардан, белгилардан ва аломатлардан ажralиб чиқадилар. Ҳатто кийимларидаги имтиёзлар ҳам билинмаслиги учун тикилган кийимларни ечиб ташлаб, авратларини тўсадиган икки парча мато билан кифояланадилар. Бирордан бирорнинг ҳеч қандай фарқи қолмайди. Подшоҳ ҳам, гадой ҳам, ёш ҳам, қари ҳам, кучли ҳам, кучсиз ҳам, бой ҳам, камбағал ҳам эхромда, бош яланг, Аллоҳнинг ҳузурида ўзини хор тутади. Демак, шундай бўлса, Қурайш қабиласининг ёки бошқа кишининг ўзини юқори тутиши, Арафотда одамлардан имтиёзли бўлиб, алоҳида туришлари ҳеч тўғри келмайди. Улар ҳам барча билан баробар туришлари ва одамлар қайтиб тушган жойлардан тушишлари керак.

**«Сўнгра одамлар қайтиб тушган жойдан тушинглар».**

Шу билан бирга, аввал ўзларидан ўтган гуноҳлар, адашиб-улоқишилар учун Аллоҳга истиффор айтиб, гуноҳларини кечиришини сўрашлари керак:

**«Ва Аллоҳдан мағфират талаб қилинглар. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир».**

Аллоҳ таоло ҳажда юрган бандаларини истиффор айтишга буюрмоқда. Ҳаж килдим, гу-

ноҳим ювилди, деб ғууррга кетмасин. Мана шундай улуг мақомда ҳам ўзида камчилик сезсин. Истиғфор айтиш улкан бахту саодатга ҳам эриширади. Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалом: «Ким истиғфор айтишни ўзига лозим тутса, Аллоҳ унинг мушкулини күшойиш қиласи, оғирини енгил қиласи ва ўзи ўйламаган томондан ризқ беради», деганлар.

Имом Насафий ривоят қилишларича, жоҳилият даврида одамлар ҳаж амалларини бажариб бўлганларидан сўнг Мино билан тоғнинг орасига туриб олиб, ота-боболарининг фазилатларини санар эдилар ва машхур қунлар ҳамда уларда бўлиб ўтган ишларни эслар эдилар.

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху:

«Жоҳилият аҳли ҳаж мавсумида «Отам қишиларга таом берар эди, тўловини тўлар эди», деб оталарининг ишларидан бошқа нарсани зикр қилмас эдилар. Аллоҳ таоло Мухаммад алайҳиссолату вассаломга оят нозил қилди», дейдилар. Куйидаги оят ана шу оятdir:

فَإِذَا قَضَيْتُم مَنِسَكَكُمْ فَاذْكُرُوا اللَّهَ كَذِكْرُكُمْ  
إِبَاءَكُمْ أَوْ أَشَدَّ ذِكْرًا فِيمَنْ يَقُولُ  
رَبَّكَاءَنَا فِي الدُّنْيَا وَمَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ خَلْقٍ  
٢٠١

**«Ибодатларингизни тугатганингизда Аллоҳни оталарингизни эслагандек, балки ундан ҳам кучлироқ зикр қилинг. Одамлардан баъзилари: «Роббимиз, бизга бу дунёда бергин», дейдир ва охиратда унга насиба йўқдир».**

Ота-боболарининг қилган ишлари билан фаҳрланиш, мақтаниш бекорчи, қўлидан бир иш келмайдиганларнинг ишидир. Ислом дини эса мусулмонлар елкасига бутун дунё бахти учун курашиб масъулиятини юклаган. Шунинг учун ҳам, ҳаж ибодатларини адо этиб бўлгандан сўнг ота-боболарни эмас, уларга бундай улкан масъулиятни юклаган Аллоҳ таолони эслаш ва Ундан ёрдам, яхшиликларни сўрашга амр бўлмоқда:

**«Ибодатларингизни тугатганингизда Аллоҳни оталарингизни эслагандек, балки ундан ҳам кучлироқ зикр қилинг».**

Аллоҳни эслаган одам албатта Ундан бирор нарса сўрайди. Лекин сўраш ҳар хил бўлади:

**«Одамлардан баъзилари: «Роббимиз, бизга бу дунёда бергин», дейдир».**

Яъни фақат бу дунёning нарсаларини сўрайди. Жумладан, ҳажга келган қавмлардан баъзилари: «Аллоҳим, бу йилни ёмғирли қилгин, яхши болалар туғиладиган йил қилгин», деб дуо қилар эканлар. Аллоҳ таоло ундай кишиларнинг ишлари нотўғри эканини баён қилиб:

**«...ва охиратда унга насиба йўқдир», дейдиди.**

Кейинги оятда эса ҳажда Аллоҳни зикр этгандан кейин қилинадиган дуони ўргатади:

وَمِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ رَبَّنَا إِنَّا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةٌ وَّفِي  
الْآخِرَةِ حَسَنَةٌ وَّفِي نَعَذَابِ النَّارِ  
٢٠٢

**«Ва улардан баъзилари: «Роббимиз, бизга дунёда ҳам яхшилик, охиратда ҳам яхшилик бергин ва бизни олов азобидан сақлагин», дейдир».**

Бу дуо мусулмонларнинг дуосидир. Улар Аллоҳ таолодан икки дунёning яхшилигини сўрайдилар. Чунки Ислом дини икки дунёning ободлигига чакиради. Динсизу худосизларга ўхшаб, фақат бу дунёning ҳой-ҳавасини сўрамайдилар. Ёки баъзи тоифаларга ўхшаб, фақат охиратни ўйлаб, бу дунёни эсадан чиқармайдилар.

Бу дуода юксак одоб ҳам ёрқин кўриниб турбиди. Сўраладиган нарсани тайин қилиб, номини айтмасдан, умумий қилиб «яхшилик» деб айтилмоқда. «Яхшилик»нинг нималигини Аллоҳ таолонинг Ўзи яхши билади.

Имом ибн Касийр: «Ушбу дуо дунёдаги барча яхшиликларни ўзида жамлаб, ёмонликларни четлатган», деганлар.

Ибн Мурдавайҳ Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Байтуллоҳнинг бурчагидан ҳар ўтганимда, «Омин» деб турган фариштани кўрдим. Унинг ёнидан ўтсангиз, «Роббана атина фиддуния ҳасанатан ва фил охироти ҳасанатан ва қийна азабаннаар»ни ўқинглар», деганлар.

Бу дуо Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссолату вассаломнинг кўп қиладиган дуолари эди.

Ибн Аби Хотим Абу Толутдан қилган ривоятда айтилади:

«Анас ибн Моликнинг хузурида эдик. Собит у кишига:

«Биродарларингиз дуо қилишингизни сўрашяпти», деди. Анас ибн Молик «Роббана атина...»ни ўқидилар. Бир муддат гаплашиб ўтиридилар. Турмоқчи бўлишганда:

«Эй Абу Ҳамза, биродарларингиз туришмоқчи, уларни бир дуо қилсангиз», деди. Шунда Анас ибн Молик:

«Сизларга ишларни майдалаб беришимни хоҳлайсизми?! Агар Аллоҳ сизга бу дунё ва охиратнинг яхшилигини бериб, дўзахнинг азобидан сақласа, яхшиликнинг ҳаммасини берган бўлади-ку», деди».

**أُولَئِكَ لَهُمْ نَصِيبٌ مِّمَّا كَسَبُوا وَاللَّهُ سَرِيعُ الْحِسَابِ**

**«Ана ўшаларга қилган касбларидан насиба бор. Ва Аллоҳ тез ҳисоб қилувчидир».**

Яъни Роббларидан икки дунёнинг яхшилигини ва дўзах оловининг азобидан сақлашни сўраб, ўшанга мос амал қиласиган мўмин-мусулмонларга қилган касбларидан насиба бордир. Уларнинг насибалари ҳисоб-китобини тўғрилаб бериш Аллоҳ таоло учун осондир. Чунки У Зот ҳисобни тез қилувчи Зотdir.

Сўнгра ҳажнинг охирги амаллари баён қилинади:

**وَأَذْكُرُوا اللَّهَ فِي أَيَّامٍ تَعْدُونَتِ فَمَنْ تَعَجَّلَ فِي  
يَوْمَيْنِ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ وَمَنْ تَأَخَّرَ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ لِمَنِ اتَّقَىٰ وَأَتَّقَوْا  
اللَّهُ وَأَعْلَمُوْا أَنَّكُمْ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ**

**«Саноқли кунларда Аллоҳни зикр қилинг. Бас, ким икки кундан кейин кетишга шошилса, унга гуноҳ йўқ. Ким кечикиб қолса, унга гуноҳ йўқ. Тақво қилувчилар учун. Аллоҳга тақво қилинглар ва билингларки, сиз албатта Унинг ҳузурига тўпланурсиз».**

«Саноқли кунлар» деганда ҳайит кунидан кейинги уч кун назарда тутилган.

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос: «Саноқли кунлар ташриқ кунларидир», деганлар.

Набий алайхиссалом: «Арафа, қурбонлик ва ташриқ кунлари биз, ахли Исломнинг байрами – емоқ, ичмоқ кунларидир», деганлар. Шундан келиб чиқадики, арафа ва қурбон ҳайити кунлари ташриқ кунлари қаторига кирмайди.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло саноқли кунларда,

яъни ташриқ кунларида Ўзини эслашга, зикр қилишга буюрмоқда.

**«Саноқли кунларда Аллоҳни зикр қилинг».**

Икрима розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Саноқли кунларда Аллоҳни эсланг», дегани «Ташриқ кунларида фарз намозларидан кейин «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар», деб такбир айтинг», деганидир».

Аммо ҳажда бўлганда, бундан мурод шайтонга тош отиш бўлади. Ҳар бир тошни отишдан олдин «Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар», дейилади. Ҳар куни уч жойга еттигадан йигирма битта тош отилади. Ҳайитдан кейинги икки кунда тош отиб, шошилиб, Минодан кетса, гуноҳ бўлмайди.

**«Бас, ким икки кундан кейин кетишга шошилса, унга гуноҳ йўқ».**

Агар ихтиёр қилиб, учинчи кунга қолиб, тош отса ҳам, гуноҳ йўқ:

**«Ким кечикиб қолса, унга гуноҳ йўқ».**

Кейин бошқа ибодатлар қатори, ҳаж ҳам тақво жойи экани, ҳаждаги тўпланиш қиёматдаги тўпланишни эслатиши зарурлиги зикр қилинади:

**«Аллоҳга тақво қилинглар ва билингларки, сиз албатта Унинг ҳузурига тўпланурсиз».**

Ўтган оятларда қалбни поклайдиган, тақводор қиласиган рўза, садақа ва ҳаж каби ибодатлар зикр қилинди. Одамлардан баъзилари фақат бу дунёни кўзлашлари ва уларга охиратда насиба йўқлиги ва баъзилари икки дунёда ҳам Аллоҳдан яхшилик кутишлари айтиб ўтилди.

**«Тафсири Ҳилол»дан.  
Бақара сураси, 196-203-оятлар.**

# НАБИЙ СОЛЛАЛЛОХУ АЛАЙХИ ВАСАЛЛАМНИНГ ҚАБРЛАРИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким менга салом берса, албатта, Аллоҳ менга рухимни қайтаради ва мен унга алиқ оламан», дедилар».*

*Абу Довуд ва Байҳақий ривоят қилганлар.*

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

*«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уйларингизни қабр қилиб қўйманг. Менинг қабримни ийдоҳ қилиб олманг. Менга саловот айтинг. Чунки сизнинг саловотингиз қаерда бўлсангиз ҳам менга етади», дедилар».*

*Абу Довуд ва Зиё ривоят қилганлар.*

*Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

*«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким қабримни зиёрат қилса, унга шафоатим вожиб бўлади», дедилар».*

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

*«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким савоб умидида мени Мадинада зиёрат қилса, у менинг ёнимда бўлади ва қиёмат куни мен унга шафоатчи бўлурман», дедилар».*

*Бошқа ривоятда:*

*«Ўлимимдан кейин ким мени зиёрат қилса, худди тириклигимда зиёрат қилгандек бўлади», дейилган.*

*Учовини Қози Иёз «Шифо»да ривоят қилган.*

Муҳтарам китобхонларга Мадинаи мунаввара ва Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг масжидлари ҳақидаги маълумотлар тўлиқ бўлиши учун аввал ўтган ҳадислардан бирининг матнини, шарҳ ва қўшимча маълумотларни тақдим этишни маъқул кўрдик.

*Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

*«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида масжид хом фиштдан бино қилинган эди. Унинг шифти хурмо шоҳларидан, устунлари эса хурмо ёғочидан эди. Абу Бакр унга ҳеч нарсани зиёда қилмади. Умар унга зиёда қилди. У масжидни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидаги асосга қайтадан хом фишт ва хурмо шоҳидан курди. Устунларини яна хурмо ёғочидан қилди. Сўнгра уни Усмон ўзгартирди. Кўпгина зиёдалар қилди. Девор-*



ларини нақшланган тош ва пишган ғиштдан қилди. Устунларини нақшланган тошдан, шифтини саж ёғочидан қилди».

Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар розияяллоҳу анху Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларининг у зотнинг ўзлари ва уч халифалари даврларидағи васфини қисқача сўзлар билан ифода қилмоқдалар.

#### **Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврлари:**

Масжид биноси хом ғиштдан, шифти хурмо шоҳидан, устунлари хурмо ёғочидан эди.

Масжид қурилишида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсан ўзлари сахобаларга бош бўлиб, иштирок қилганлар.

Масжиднинг ҳажми кичик эди. Ёмғир ёғса, хурмо шоҳларидан қилинган шифтдан ўтиб, ерга тушар, сажда қилган одамнинг пешонасига лой ёпишарди.

Масжиднинг ер қисмига ҳеч нарса тўшалмаган эди.

У зотнинг даврларида масжид ана шундай содда ва кичик бўлган.

#### **Абу Бакр Сиддик розияяллоҳу анху даврлари:**

Масжидун Набавий ўзгаришсиз қолди. Чунки ҳазрати Абу Бакр оз муддат халифа бўлиб, вафот этдилар. Ўша оз муддат ҳам ридда урушларига сарф бўлди. Бунинг устига, ҳазрати Абу Бакр розияяллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидағи нарсаларнинг ҳеч бирини ўзгаришишни хоҳламас эдилар.

#### **Ҳазрати Умар ибн Ҳаттоб розияяллоҳу анху даврлари:**

Масжидларини худди аввалгидек, хом ғишт, хурмо шоҳи ва ёғочидан, худди ўзига ўхшатиб, қайта қурдирдилар. Ҳатто масжиднинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидағи кўрининши йўқотмаслигига қаттиқ эътибор бердилар.

#### **Ҳазрати Усмон ибн Аффон даврлари:**

Маълумки, ҳазрати Усмон узоқ вақт халифалик қилдилар. Бу давр ичida Ислом давлати мислсиз рашида кенгайди. Турли халқлар Исломга кирди. Мусулмонлар сони ниҳоятда кўпайди. Саҳобаи киромлар ҳам турли юртларга тарқаб кетдилар.

Ана шу давр ичida ҳазрати Усмон анчагина ишлар қилдилар. Бу ишларнинг кўпчилиги давр тақозоси или юзага чиқкан янгиликлар эди. Бу янгиликлар ичida Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларини янгидан кенгайтириб қуриш ҳам бўлган.

Ҳазрати Усмон Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларига кўплаб зиёдалар қилдилар. Аввало, уни анчагина кенг ва катта, қолаверса, қурилиш ускуналарини ҳам тамоман бошқача қилдилар.

Хом ғишт ўрнига нақш солинган тош ва пишиқ ғишт ишлатдилар. Устунларини ҳам хурмо ёғочи ўрнига нақшиндор тошлардан, шифтини эса хурмо шоҳлари ўрнига Ҳиндистондан келтирилган саж ёғочларидан қилдирдилар. Ҳазрати Усмон розияяллоҳу анху бу ишларни милодий 649-650 йилларда амалга оширганлар.

Умавий халифалардан Валид ибн Абдулмалик Масжидун Набавийни кенгайтириш ва биносини янгилаш ишини амалга ошириди. Унинг амрига биноан, бу муборак масжидда биринчи бор болаҳоналар, мезаналар ва деворнинг ичига кириб турадиган меҳроб қурилди. Ўша қурилишда оналаримизнинг хужралари ҳам масжидга кўшиб юборилди.

Халифа Валид ибн Абдулмаликнинг даврида масжидга 2369 квадрат метр ер кўшилди.

Аббосий халифалардан Маҳдий даврида ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидлари кенгайтирилиб, баъзи қурилиш ишлари олиб борилди.

Мамлуклар хукмронлиги вақтида Султон Қойтбой масжиднинг кўп қисмларини қайтадан қурди ва у зотнинг хужралари устига гумбаз қурдирди.

Усмоний халифалардан бўлган султон Маҳмуд иккинчи милодий 1813 санада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хужралари устига қўроғошиндан янги қубба қурдирди ва уни яшил рангга бўятди.

Султон Абдулмажид иккинчи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хужраларидан бошقا ҳамма нарсани буздириб, қайтадан қурдирди. Бу ишлар ҳижрий 1277, милодий 1861 санада амалга оширилди.

Подшоҳ Абдулазиз ҳижрий 1370, милодий 1951 санада Масжидун Набавийни кенгайтиришга амр қилди. 1955 йили охирига етган мазкур ишлардан кейин Масжидун Набавийнинг худуди 12271 квадрат метрга етди.

Ҳижрий 1405, милодий 1984 йил 2 ноябрда подшоҳ Фаҳд ибн Абдулазиз Масжидун Набавийни кенгайтириш бўйича қилинадиган янги ишларга биринчи ғиштни қўйди. Фоят катта ишларни ўз ичига олган бу кенгайтиришда қилинган ўзгаришлардан баъзиларини эслаб ўтамиз.

Янги бино замонавий меъморчиликнинг энг кўзга кўринган намунасига айланди. Масжидун Набавийнинг атрофига кенг майдонлар қилинди. Масжиднинг эски ва янги бинолари орасига очилиб, ёпилиб турадиган иккита катта сояблонлар қилинди. Масжиднинг янги қисмига диаметри 18 метр, оғирлиги 80 тоннадан бўлган йигирма саккизта харакатланадиган гумбаз қурилди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан олинди.

Аёлнинг ҳажи ҳам ҳудди эркакникига ўхшайди. Фақат унинг юзи очик бўлади, бошини очмайди. Юзига тегмайдиган қилиб бирор нарсани тўсиб олса ҳам жоиз. У овоз чиқариб талбия айтмайди. Икки яшил устун орасида тезлаб юрмайди. Сочини олдирмайди, балки қисқартиради. Тикилган нарса кияди. Издиҳомда Ҳажарга яқинлашмайди. Унинг ҳайзи тавофдан бошқа нарсани ман қилмайди.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Отлиқлар бизнинг олдимиздан ўтарди. Биз эса Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эхромдаги ҳолда эдик. Улар тўғримизга келганиларида баъзимиз жилбобини бошидан юзига тушириб оларди. Улар биздан ўтиб кетганиларида уни очардик» (Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишиган).

У овоз чиқариб талбия айтмайди. Икки яшил устун орасида тезлаб юрмайди. Тавофда рамл ҳам қилмайди. Ҳажарул Асваднинг издиҳомига ҳам кирмайди. Шунда сатрлироқ бўлади. Сочини олдирмайди. Балки қисқартиради.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёл кишини сочини олдиришдан қайтардилар» (Имом Термизий ва Насаий ривоят қилишиган).

Имом Абу Довуд Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда:

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аёлларга соч олдириш лозим эмас. Аёллар сочларини қисқартирсалар бўлди», дедилар», дейилган.

Тикилган нарса кияди. Шунда очик-сочиқликдан сақланади.

Ўзини қийин ҳолга солмаслик учун Издиҳомда Ҳажарга яқинлашмайди.

Унинг ҳайзи тавофдан бошқа нарсани ман қилмайди.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Маккага ҳайз кўрган ҳолда келдим. Байтни тавоф қилмадим. Сафо ва Марва орасида саъӣ ҳам қилмадим. Бу ҳакда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга шикоят қилдим. Бас, у зот: «Ҳожи нима қилса, шуни қилавер. Фақат пок бўлмагунингча Байтни тавоф қилма», дедилар» (Тўртловлари ривоят қилишиган).



## Аёлнинг ҳаҷси

Демак, ҳайз кўрган аёл то пок бўлмагунича Байтulloҳни тавоф қилиши мумкин эмас. Тавофининг шартларидан бири тавоф қилувчининг тўлиқ пок бўлишидир.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга чиқдик. Ҳаждан бошқа нарсани зикр қилмас эдик. Сарифга келганимизда ҳайз кўриб қолдим. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимга кирганиларида мен йиглаётган эдим. Бас, у зот:

«Сени нима йиғлатяпти?» дедилар. «Аллоҳга қасамки, бу йил чиқмасам ҳам бўларкан», дедим.

«Ҳайз кўргандирсан-да?» дедилар.

«Ҳа», дедим.

«Бу Аллоҳ одам қизларига битиб қўйган нарса. Ҳожи нима қилса, шуни қилавер. Фақатгина пок бўлгунингча Байтни тавоф қилма», дедилар» (Икки шайх ривоят қилишиган).

«Кифоя» китобидан олинди.

# АЛЛОХ ҲАММАМИЗНИ ҲАЖГА ЕТКАЗСИН!

Барча ҳамду санолар Аллохга хосдир. Биз У Зотга ҳамд ва истиғфор айтамиз. Үндан ёрдам сўраймиз. Нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи йўқ, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона ва шерисиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, Унинг ўхшиши, тенги ва мисли йўқдир, деб ва Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Унинг бандаси, элчиси, халили, халклари ичидан танлаб олган ва Ўз ваҳийсига ишонган аминидир, деб гувоҳлик бераман.

Ҳаж мавсуми ҳам яқинлашиб қолди. Ҳаж – бир йилда бир марта, зулхижжа ойида амалга ошириладиган ибодатdir. Дунёнинг барча мамлакатларидан ҳожилар Саудия Арабистонига жамланадилар. Макка ва Мадина шаҳарлари зулхижжа ойида миллионлаб ҳожиларни ўз бағрига олади. Юртимизда ҳам ҳаж сафарига борадиганлар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани кувончли ҳол. Қария отахонлардан эшигларимиз – собиқ иттифоқ давридаги қийинчиликлар орта қолди. Ўша даврларда юртимиздан факат саноқли кишилар турли машаккатлар эвазига ҳаж сафарини адо этишга муяссар бўлишган. Ҳозирда навбат келганда ҳаж сафари учун зарур бўлган маблаг тўланса бас, самолётлар орқали оз вакт ичida ўзингизни Саудия Арабистони тайёрроҳида кўрасиз. Бундай неъматлар шукронасини қилиб, Яратганга зикру санолар айтамиз. Ҳаж мавсумида йифилган оламоннинг ҳолатига назар солинг, ҳамма қўлидан келганча ибодатда. Деярли ҳамманинг фикри бир жойга жамлангандек. Кексами, ёшми, қўзида ёш қалқиган, тиллари зикрда, Аллоҳнинг раҳматидан умидвор. Кўпчилик ҳаёти давомида бир марта топганини йифиб-териб ҳаж қилиш баҳтига эришади. Бу қандай баҳт!

Аллоҳнинг розилиги учун маблаг сарфлаган киши Аллоҳнинг назаридан четда қолмайди. Аллоҳ унга сарф қилган маблагини зиёдаси билан қайтарибгина қолмай, унга жаннат эшикларини очади. Имкони бўла туриб, дунё лаззатларига берилган миллионлаб пуллари орасидан маълум бир маблагни ажратиб, ҳаж ибодати учун «Лаббайк Аллоҳумма!» демаган одамни Аллоҳнинг Ўзи тўғри йўлга бошласин. Дунёнинг деярли барча мамлакатларини айланиб чиқсан, Эйfel минорасию Миср эхромлари ёнида суратга тушган ожиз банда Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, умрида бир марта ҳаж қиласа, бу уят эмасми?

Макка шаҳрини ҳам томоша қилиш, сайр этиш мумкин. Ҳам ибодат қилинади, ҳам руҳий дам олинади. Мадина шаҳрининг ҳам гўзаллигини кўриб, кўзларимиз кувнайди. Ҳам ибодат, ҳам саёҳат қилинадиган манзил қайси жойда бор? Яна бу ибодат энг афзал ибодатлардан саналса, бу қандай баҳт!

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*  
**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Ислом амалларидан қай бири афзал?» деб сўрашди. Жаноби Расулллоҳ:**  
**«Аллоҳ ва Расулига иймон келтирмоқ»», дедилар.**

**«Яна қайсиниси?» деб сўрашди. Жаноби Расулллоҳ: «Холис ният билан ҳаж қилмоқ», деб жавоб бердилар» (Бухорий ривояти).**

*Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:*  
**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ Маккани ҳарам қилди. У мендан олдин ҳам, мендан кейин ҳам ҳеч кимга ҳалол бўлмайди. У мен учун бир кунда бир муддатгина ҳалол қилинди. Менга ҳам бир кунда бир муддатгина ҳалол қилинди. Унинг ўт-ўлани юлинимайди, дараҳти кесилмайди, ови ҳуркитилмайди, топилдигини эълон қилувчидан бошқаси олмайди», дедилар. Шунда Аббос розияллоҳу анху: «Заргарларимиз ва қабрларимиз учун изхир мустасно (денг)», деди. Шунда у зот: «Изхир мустасно», дедилар» (Бухорий ривоят қилган).**

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*  
**«Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Илон ўз инида кулча бўлиб яшириниб олгани сингари иймон ҳам бора-бора Мадинада тўпланади», дедилар».**

*Жабир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*  
**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир бадавий киши келиб, Исломга байъат қилди. Эртасига у киши безгак тутиб қелди-да: «Байъатимдан қайтишимга руҳсат беринг!» деди. Жаноби Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қатъий бош тортиб: «Темирчининг босқони (дами) темир юзидағи куюкни кеткизганидек, Мадина гуноҳларни кеткизди», дедилар» (Бухорий ривоят қилган).**

Ҳаж килишни ният қилиб, кўнгилларига туғиб қўйган азиз опа-сингиллар! Имконияти бўла туриб, ҳажга боришини ортга суриб юрган ёки бу ҳақда умуман ўйламайдиган мусулмонларга ҳам насиҳат қилинг. Уларга ҳаж ибодати инсонни онадан туғилгандек, гуноҳлардан поклаши тўғрисида тушунтиринг. Бу улуғ ибодатdir. Ният қилиб, ҳаж ишларига масъуль бўлган идораларда навбатда туришса, иншааллоҳ, Аллоҳ уларга ниятларига яраша ажр-савоб бериш билан бирга, ҳаж килиш баҳтига эриштиради. Бир онахонни биламиз, ҳажга бориши учун навбатга турганида ҳажга етарли маблақقا эга эмас эди, кейинроқ гувоҳ бўлдикки, уларга навбат келганида Аллоҳ Ўз гайбидан онахонга дунё берди. Онахон ҳаж сафарига бориб, ибодатни амалга ошириб келдилар. Астойдил ният қилайлик, Аллоҳ таоло ҳаммамизни ҳажга етказсин!

*Дилором тайёрлаган.*

## Махрамсиз ҳажга бориш

**САВОЛ:** Аёл киши ҳаж ёки умрага махрамсиз борса, ибодати қабул бўладими?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Ибодат қилган ўрнига ўтади. Қабул бўлган ёки бўлмаганини Аллоҳ билади. Валлоҳу аълам.

## Аёл киши хўроз сўйса бўладими?

**САВОЛ:** Эркаклар уйда бўлмаса, аёл киши хўроз, товуқларни сўйса бўладими?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

**«Каъб ибн Молик розияллоҳу анхунинг Саль тоғида қўйини боқадиган чўри қизи бор эди. Бас, бир қўй оғир ҳолга тушиб қолди. Қиз уни тош билан сўйди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламдан сўралган эди, «Уни еявенинглар», дедилар».**

Бухорий ривоят қилган.

Демак, аёл киши ҳайвон сўйиши, тош билан сўйиш ҳам жоиз экан.

Фиқҳий матнларда бу борада қуидагилар бор: Сўювчи мусулмон ёки аҳли китоб бўлиши шарт. Агар у аёл киши, мажнун, ақлини таниган ёш бола, хатна қилинмаган ва соқов бўлса ҳам. Аммо аҳли китоб бўлмаган, муртад ва «бисмиллаҳ»ни қасддан тарқ қилувчи киши сўйса бўлмайди. Сўйилган ҳайвон ҳалол бўлиши учун аввало «сўювчи мусулмон ёки аҳли китоб бўлиши шарт».

Аҳли китобнинг сўйгани ҳалол бўлишига Моида сурасининг қуидаги ояти далил бўлади: **«Бугунги кунда сизларга барча пок нарсалар**

**ҳалол қилинди. Китоб берилганларнинг таоми сиз учун ҳалолдир. Сизнинг таомингиз улар учун ҳалолдир»** (5-оят).

Булардан бошқаларнинг, жумладан, муртад ва динсизларнинг сўйиши эса ҳаромдир.

Аҳли китобдан бўлган аёллар сўйган нарса ҳам худди муслима аёллар сўйган нарса каби, ҳалолдир. Шунингдек, балоғатга етмаган болаларнинг сўйиши ҳам ҳалолдир.

Исломда аёл кишини аёлликка мос бўлмаган ишга таклиф қилиш яхши ҳисобланмайди. Одатда ҳайвонларни сўйиши аёлларнинг латофатларига зид иш бўлгани учун, эҳтиром юзасидан аёллар сўйиш ишларига таклиф қилинмаган.

Шундай бўлса-да, аёл кишининг сўйган сўйиши, агар аёл ҳайз кўрган ҳолда бўлса ҳам, ҳалол ҳисобланади. Аммо сўювчи эркак киши бўлиши мустахаб. Чунки сўйишга доир ишларга аёл кишидан кўра у муносибрөқ, яроқлироқдир. Валлоҳу аълам.

## Аёл кишининг қурбонлик қилиши

**САВОЛ:** Ҳар йили қурбонликни оиласиздағи эркаклар қилишади. Менинг нисобга етган молим бор. Мен ҳам қурбонлик қилишим керакми?

**ЖАВОБ:** Қурбонлик қилиш кишининг эркак ёки аёл эканлигига қараб бўлмайди. Нисобга етган моли бор ҳар бир мусулмон ва муслимага қурбонлик қилиш вожибдир. Валлоҳу аълам.

**«Зикр аҳлидан сўранг» саҳифасидан олинди.**





**ХОЖАР ОНАМИЗ**



Иброҳим халиуллоҳ алайҳиссаломнинг аёллари, Исмоил алайҳиссаломнинг онала-ри Ҳожар онамиз Миср подшохи томонидан Сора онамизга улар Мисрга хижрат қилган вақтларида тақдим қилинган эдилар.

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайхи васаллам дедилар:**

**«Иброҳим алайҳиссалом уч мартагина ёлғон гап айтганлар. Иккитаси Аллоҳ азза ва жалланинг Зоти хусусида «Албатта, мен беморман» деган сўзи ва «Йўқ, буни манави, уларнинг каттаси қилди» деган сўзи.**

Бир куни у Сора билан бирга эди. Зўравонлардан бирининг олдидан ўтди. Унга (зўравонга): «Мана бу ерда бир киши бор. Ёнида одамзоднинг энг гўзалларидан бўлган бир аёл бор», дейилган эди, унга (Иброҳимга) одам юборди. Ундан аёл ҳакида сўраб, «Ким бу?» деди. «Синглим», деди у. Кейин Соранинг олдига келиб: «Эй Сора! Ер юзида мен ва сендан бошка мўмин йўқ. Анави мендан сўраган эди, унга сени синглим, дедим. Мени ёлғончи қилиб қўйма», деди. У (зўравон) унга (Сорага) одам юборди. У (Сора) унинг олдига кирган пайт у (Соранинг) қўлини ушламоқчи бўлган эди, тутиб қўйилди. Шунда у: «Ҳаққимга Аллоҳга дуо қил, сенга зарар етказмайман», деди. У Аллоҳга дуо қилган эди, қўйиб юборилди. Кейин иккинчи марта ушламоқчи бўлган эди, аввалгидек ёки ундан-да қаттиқ тутиб қўйилди. Шунда у: «Ҳаққимга Аллоҳга дуо қил, сенга зарар етказмайман», деди. У дуо қилган эди, қўйиб юборилди. У ҳожибларидан бирини чакириб: «Сизлар менга инсон келтирмабсиз, бир шайтон келтирибсиз!» деди. Унга (Сорага) Ҳожарни хизматкор қилиб берди. У унинг (Иброҳимнинг) олдига келди. У намоз ўқиётган эди, қўли билан «Нима бўлди?» деб ишора қилди. У: «Аллоҳ кофирнинг [ёки фожирнинг] макрини бўғзига қайтарди ва Ҳожарни хизматкор қилиб берди», деди.

Абу Хурайра: «Ана ўша сизнинг онангиз бўлади, эй осмон суви фарзандлари!» деди.

*Муслим ва Бухорий ривоят қилишиган.*

Шундан сўнг Ҳожар онамиз Сора онализнинг хизматида бўлдилар. Маълумки, Сора онамиз кўп йиллар давомида фарзанд кўрмаган эдилар. Шунинг учун у киши Иброҳим алайҳиссаломга Ҳожар онамизни совфа қилдилар. Маълум вақтдан сўнг Ҳожар онамиз Исмоил алайҳиссаломга ҳомиладор бўлдилар. Исмоил алайҳиссалом дунёга келгач, Сора онамизнинг раشكлари кучайиб, Ҳожар онамизни фарзандлари билан бошқа томонларга олиб бориб ташлашга келишилди. Аллоҳ таолонинг ҳикмати асосида Иброҳим алайҳиссалом Ҳожар онамизни Исмоил алайҳиссалом билан бирга ўсимликсиз чўлда қолдириб кетдилар. Қайтиб кетаётиб, у зот алайҳиссалом дуо қилдилар:

رَبَّنَا إِنِّي أَسْكَنْتُ مِنْ ذُرِّيَّتِي بُوَادٍ غَيْرَ ذِي زَعَزَعٍ عَنْدَ بَيْنِكَ  
 الْمُحَرَّمِ رَبَّنَا لَقِيمُوا الصَّلَاةَ فَاجْعَلْ أَفْعَدَةَ مِنْ النَّاسِ  
 تَهْوِي إِلَيْهِمْ وَأَرْزُقْهُمْ مِنَ الشَّمَرَاتِ لِعَلَّهُمْ يَشْكُرُونَ

«Роббимиз, ҳақиқатда, мен зурриётимнинг баъзиларини Байтул Хароминг ёнига, гиёҳсиз водийга жойлаштирдим. Роббимиз, намозни тўқис адo этишлари учун. Бас, Ўзинг одамлардан баъзиларининг қалбларини уларга талпинадиган қилгин ва уларни мевалардан ризқлантиргин. Шояд, шукр қилсалар» (*Иброҳим сураси, 37- оят*).

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Аёлларнинг узун этак тутиши биринчи бўлиб Исмоилнинг онаси тарафидан бўлган. У изини Сорага кўрсатмаслик учун бир узун этак тутган эди. Кейин Иброҳим уни ва унинг фарзандини олиб келиб, Байтнинг олдига, улкан дараҳт олдига – Замзам устига, масжиднинг тепа томонига қўйди. У уни эмизар эди. У пайтлар Маккада на кимса бор ва на сув бор эди. Иккоквларини ўша ерга қўйди ва олдиларига бир халтада хурмо ҳамда бир сувдонда сув қўйди. Кейин Иброҳим йўлга тушмоқчи бўлиб, орқасига юрган эди, Исмоилнинг онаси унга эргашиб: «Эй Иброҳим! Бизларни на бир инсон, на бир нарсаси йўқ бу водийга ташлаб, қаерга кетяпсиз?!» деди. У буни унга бир неча марта айтди. У (Иброҳим) эса унга қарамай туриб олди. У (Ҳожар) унга: «Бунга сизни Аллоҳ буюрди-

ми?» деди. У: «Ҳа», деди. «У холда У Зот бизни зое қилмайди», деди у. Сўнг ортига қайтди. Иброҳим йўлга тушди. Нихоят, улар қўрмайдиган жойга – довонга етганида, юзини Байт томонга қилди. Кейин қўлини қўтарганча, мана бу тўрт гапни айтиб, дуо қилди: «Роббимиз, ҳақиқатда, мен ўз зурриётимни Байтул Ҳароминг ёнига, гиёҳсиз водийга жойлаштирудим. Роббимиз, намозни тўкис адо этишлари учун. Бас, Ўзинг одамлардан баязиларининг қалбларини уларга талпинадиган қилгин ва уларни мевалардан ризқлантиргин. Шояд, шукр қилсалар».

Исмоилнинг онаси Исмоилни эмизиб, ҳалиги сувдан ича бошлади. Нихоят, сувдондаги сув тугагач, чанқай бошлади. Ўғли ҳам чанқади. У (Хожар) унинг буралаётганини [ёки ўзини ерга ураётганини] кўриб, унга қараб туришга чидай олмай, юра бошлади. Сафонинг ер юзида олдидаги энг яқин төғ эканини кўриб, унинг устига чиқиб, тик турди. Кейин бирор кишини кўриб қоламанмикан, деб водийга қаради. Ҳеч кимсани кўрмади. Сафодан тушди. Нихоят, водийга етганида этагини кўтарди-да, сўнгра оғир ҳолга тушган инсон югурадиган тарзда югурга кетди. Ҳатто водийдан ўтиб кетди. Кейин Марвага келиб, устига чиқиб, тик турди ва бирор кишини кўриб қоламанмикан, деб қаради. Ҳеч кимсани кўрмади. Етти марта шундай қилди – Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларнинг у иккиси (Сафо-Марва) орасида саъй қилишлари шундан», деган эдилар. – Марванинг устига чиққанида, бир овоз эшилди. Ўзига ўзи «Жим тур», деди-да, кулоқ тутди, яна эшилди. «Эшилтириб бўлдинг, агар сенда бирор ёрдам бўлса...» деди. Қараса, Замзамнинг ўрнида фаришта турибди. У товони билан [ёки қаноти билан] кавлаб, нихоят, сув чиқди. У (Хожар) буни кўли билан мана бундай қилиб ҳовуз қила бошлади. Сўнг сувдонига сувдан ҳовучлаб қуя кетди. Ҳар ҳовучлаб олганидан кейин, у отилиб чиқар эди – Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ Исмоилнинг онасини раҳматига олсин, Замзамни қўйиб берганида эди, [ёки сувдан ҳовучлаб олмаганида эди,] Замзам оқин булоқ бўлар эди», деган эдилар. – У ундан ичди ва боласини эмизди. Фаришта унга: «Зое бўлишдан қўрқманглар. Чунки мана шу ерда Аллоҳнинг уйи бўлади, шу бола ва унинг отаси қуради. Албатта, Аллоҳ унинг аҳлини зое қилмайди», деди.

Байт ердан кўтарилилган, худди тепалик каби эди. Селлар келиб, унинг ўнгидан ва чапидан олар эди. У ана шу ахволда экан, уларнинг олдига Журхумдан йўловчиilar [ёки Журхумдан бир оила] Кадо

йўлидан юриб, келиб қолишиди ва Макканинг пастига тушишди. Улар бир айланадиган қушни кўриб қолишиди. «Бу қуш сув устида айланади. Биз аниқ биламизки, бу ерда сув йўқ», дейишди. Бир ё икки чопар юборишиди. Қарашса, сув. Ортга қайтиб, уларга сувдан хабар беришди. Шунда улар келишиди. Исмоилнинг онаси сув олдида эди. Улар: «Ёнингга тушишимизга изн берасанми?» дейишди. У: «Ҳа, лекин сувда сизларнинг ҳақиқингиз йўқ», деди. Улар: «Ҳўп», дейишди – Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У Исмоилнинг онаси ни сув истаётганида топган эди», деганлар. – Улар тушишиди ва ўз ахлларига одам юборишиди. Улар ҳам булар билан бирга тушишиди. Нихоят, бу ерда улардан оиласалар пайдо бўлди.

Бола улғайиб, улардан арабчани ўрганди. Улғайган пайт уларни ўзига ром қилди ва у уларга ёқиб қолди. У вояга етгач, уни ўзларидан бир аёлга уйлаб қўйишиди ва Исмоилнинг онаси вафот этди».

*Бухорий ривоят қилган.*

Ҳадисдан кўринадики, мусулмонларга фарз бўлган ҳаж ибодатидаги Марва ва Сафо тоғлари орасида саъй қилиш Хожар онамиздан бизга меросдир.

Аллоҳ таоло марҳамат қиласи:

﴿إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَابِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ أَبْيَانَ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ أَعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطَوَّفَ بِهِمَا وَمَنْ نَطَّعَ حَيْرًا إِنَّ اللَّهَ شَاءَ كَمْ عَلِيهِمْ﴾

«Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳнинг шиорларидандир. Ким Байтни ҳаж ёки умра қилса, бу иккови ўртасида саъй қилишида унга гуноҳ йўқ. Ким яхшиликни ўз ихтиёри или қилса, бас, албатта, Аллоҳ қўп савоб берувчиdir, ўта билувчиdir» (*Бақара сураси*, 158-оят).

Манбаларда келиичча, Хожар онамизнинг 12 нафар ўғил набиралари бўлган. Хожар онамиз Каъба яқинидаги Хидрада вафот топиб, ўша ерга дағн қилинганлар.

Аллоҳ таоло замзамни бизга мерос қолдирган Хожар онамизни раҳмат қилсин.

*Дилором тайёрлаган.*

## УЛУҒ ИБОДАТНИ РИЁГА АЛМАШТИРМАЙЛИК

Ассалому алайкум, азиз ўқувчи! Барчамизни чалитувчи, фикр ва хаёлларни бузувчи, қалбларимизни исёнга мойил қилювчи замонавий информация тармоқларидан кўзингизни узиб, ушбу сайтга кирганингиз учун сизга минг бор тасанно!

Бугун мен сизлар билан биргаликда Ислом устунларидан бўлмиш ҳаж ибодатига доир масалаларни муҳокама қилмоқчиман. Алҳамдуллаҳ, ҳаж ибодатининг фазилату фойдалари, амал қилиш қоидаларини қўплаб китоблардан топиб, ўқиб-ўрганишимиз мумкин. Айниқса бу борада «Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласининг 10 жузи айни муддао.

Мана шу жуздан иқтиbos:

*Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким Аллоҳ үчун ҳаж қилса, фахш сўз айтмаса ва фиску фасод қилмаса, худди онаси туққан кундагидек қайтади», дедилар».**

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Умрадан кейинги умра иккисининг орасидаги нарсаларга каффоратдир. Ҳажжи мабурнинг мукофоти жаннатдан бошқа нарса эмас», дедилар».**

Шарҳ: Бу ривоятларда ҳам умранинг, ҳам ҳажнинг фазли ҳақида сўз бормоқда. Кейинги умра ўзидан аввалги умрадан бўён содир этилган Аллоҳ таолонинг ҳакқига оид бўлган маълум гуноҳларнинг ювилиб кетишига сабаб бўлар экан. Агар ҳажжи мабур бўлса, унинг мукофоти жаннатдан бошқа нарса бўлmas экан.

Ҳажжи мабур – риё ва гуноҳ ишлардан холи бўлган, сахийлик ҳамда ҳусни хулқ ила адо этилган ҳаждир. (Иқтиbos тугади.)

Азиз ўқувчи, энди атрофингизга бир назар солинг, шу кундаги ҳожи ота, ҳожи оналаримизга бир қаранг (албатта, бу гаплар уларнинг ҳаммаларига тегишли эмас). Қай бирлари риё ёки имкониятларини кўз-кўз қилиш учун эмас, балки Аллоҳ учун ҳаж қилишмоқда?

Ахир, жаннатдан умиди бор инсон кибру риё қиласими? Ўзини бошқалардан устун тутиб, дилозор бўладими? Ахир ҳожи ота, ҳожи она дейилганда кўз ўнгимизда камтар, самимий, шириңсўз, дуогўй инсонлар намоён бўлиши керак-ку! Ҳозирги кунимизда ҳаж қилаётган кўпчилик инсонларда айтиб ўтилган бу гўзal хислатларнинг асари ҳам йўқ.

Ҳамма нарса ҳаждан қайтаётганларни кутиб олишдан бошланади, ана дабдаба-ю, ана тамоша!

Шундай ҳолатларни кўрдикки, ҳатто аэропортдан тўғри уйга олиб келмасдан, антиқа машиналар ёллаб, шаҳарни айланишади. Машина маҳалланинг бошида тўхтатилиб, шу жойдан то хонадонгача кўчаларга гиламлар тўшалиб, гул япроқлари сочилиб, икки тарафга одамлар йиғилиб, олқишилаб, ҳожининг устидан гуллар сочиб, уйига олиб киришади.

Тўғри, ҳаж ибодати ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Аллоҳнинг оятида айтилганидек, «йўлини топғанларга», яъни топиш-тутиши бисёр бўлган, тириқчиликда зорлиги йўқ инсонларгагина хос, атрофдагиларнинг ҳавас қилишига арзийдиган ибодатdir. Лекин бу одоб-ахлоқ доирасидан чиқиб, манманлик, дабдабозлик қилиш керак, дегани эмас-ку!

Бундай улуғ, ҳавасга лойиқ ибодатга мушарраф бўлган – Каъбатуллоҳни тавоф қилиб қайтган инсон сипо, камтар, оғир-босиқ бўлиши, бошқаларни риёю кибрдан, дабдабозликдан, хўжакўрсинга иш қилишдан қайтариши, тартибга чақириши, насиҳат, хуллас, нахий мункар қилиши керак эмасми?

Минг афсуслар бўлсинки, Аллоҳ таолонинг ваъда килган жаннатларини риёга алмаштираётган, шундай улуғ ибодатнинг қадрини ерга ураётган ҳожилар кўпчиликни ташкил этади.

Ҳаж сафарининг ўзида – Маккаи муборакда, Мадинаи шарифда ҳожиларнинг баъзилари ўзларини нолойик тутишларини кўрган, эшитганимизда афсусу надоматлар чекамиз. Бу қанчалар бедодлик, ахир? Имкониятлари, қўлларида сармоялари бўла туриб, истибод даврларида тамбаланган чегаралардан чика олмаган, мазкур улуғ ибодатлардан бенасиб бўлган қанчадан-қанча ота-боболаримиз қалблари армонга, кўзлари ёшга тўлган ҳолда оламдан ўтиб кетдилар-ку!

Ҳозирги кунда ҳам ҳажга боришни, ибодатларни ихлос билан адо этишни чин дилдан истаб турса-да, моддий имконияти чекланганлиги ёки соглиги тўғри келмаганлиги сабабли Аллоҳдан умид қилиб яшаётган азизлар қанча!

Наҳотки, Аллоҳ таоло томонидан Ҳаж ибодатига чорланган инсон озгина мулоҳаза қилишга ярамаса, шукрини адо қилмаса, одоб-ахлоқ доирасида турмаса? Афсус, минг афсус! Сиз бунга нима дейсиз, азизларим?...

*Дилафуз тайёrlади*

# ЗУРРИЁТНИ ГИЁХСИЗ ВОДИЙГА ЖОЙЛАШТИРИШ

Иброҳим алайҳиссалом йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, ҳозирги Каъбаи Муаззаманинг ўрнига Ҳожар онамиз билан гўдак Исмоилни қолдириб, ортларига қайтдилар. Маълум бир жойга етиб, у зот она-болани кўрадиган, улар эса у зотни кўрмайдиган жойда туриб, Аллоҳ таолога илтижо ила куйидаги дуони қилдилар:

**«Роббимиз, ҳақиқатда, мен зурриётимнинг баъзиларини Байтул Ҳароминг ёнига, гиёҳсиз водийга жойлаштирдим. Роббимиз, намозни тўкис адо этишлари учун. Бас, Ўзинг одамлардан баъзиларининг қалбларини уларга талпинадиган қилгин ва уларни мевалардан ризқлантиргин. Шояд, шукр қилсалар» (Иброҳим сураси, 37-оят).**

Иброҳим алайҳиссалом ўз зурриётларидан бўлишиш Исмоил алайҳиссаломни Аллоҳнинг Байтул Ҳароми ёнига, ўсимликсиз водийга жойлаштиришларининг бош сабабини намоз, демоқдалар.

**«Роббимиз, намозни тўкис адо этишлари учун»**

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳга ибодат қилишлари, намозни тўкис адо этишлари учун зурриётларидан баъзисини машаққатларга тўла, сувсиз, гиёҳсиз, иссиқ чўлнинг ўртасига жойлаштирилар.

Одатда одамлар гиёҳсиз чўлларга боришни истамайдилар. У ердаги машаққатлардан кўрқадилар. Эй Роббимиз:

**«Бас, Ўзинг одамлардан баъзиларининг қалбларини уларга талпинадиган қилгин».**

Уларнинг қалблари доимо ўша мен зурриётимдан баъзисини жойлаштирган, Байтул Ҳаром ёнидаги водийга талпиниб турадиган бўлсин.

**«ва уларни мевалардан ризқлантиргин».**

Яна ўша зурриётимни ва улар билан бирга ўша ерда яшайдиганларни мевалардан ризқлантиргин.

**«Шояд, шукр қилсалар», деб дуо қилдилар.**

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломнинг бу дуоларини қабул этди. Мазкур юртни, Ҳарами Шарифни омонлик юрти қилиб қўйди. Унинг омонлигига таҳдид соладиганларни ҳалок қилди. У ердагилар Аллоҳга ибодатни тўғри қилиб, намозни тўкис адо этганларида, омонликка қўшиб, тўқчиликни ҳам берди. Мусулмон бўлган одамлар қалбини ўша томонга талпиниб турадиган этиб қўйди. У жойнинг аҳолисини, ерларида ҳеч нарса ўсмаслигига қарамасдан, турли мевалар билан ризқлантириб қўйди.

Иброҳим алайҳиссалом ҳар замонда келиб, оиласларидан хабар олиб турдилар. Исмоил ҳам ўсиб, улғайиб борди.

Кейин нима бўлганини «Вас-Соффаат» сурасининг куйидаги оятларидан билиб оламиз:

## ҚУРБОНЛИК ҚИЛИШ

**«Бас, (бала) унинг ўзи билан бирга юрадиган бўлганида: «Эй ўғилчам, мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман, боқиб кўр, нима дейсан?» деди. У: «Эй отажон, сенга амр этилганни бажар, иншааллоҳ, мени сабр қилувчилардан топурсан», деди» (Соффаат сураси, 102-оят).**

Бу ояти каримадаги ота-бала ўртасидаги биргина савол ва биргина жавоб инсоният тарихида Аллоҳ йўлида кўрсатилган фидокорликнинг энг юксак на муналаридан биридир. Бу савол-жавоб Аллоҳ таолога нисбатан одобнинг энг юқори чўққиси, Аллоҳ таолонинг йўлида ҳеч нарсани аямасликнинг энг юксак намунаси саналади.

Умр бўйи жоҳил, мушриқ, Аллоҳни тан олмаган, нобакор бир қавм томонидан турли жафолар чеккан, ҳатто катта гулханга отилган, яқинларини, уй-жойини, барча манфаатларини тарқ этиб, бошқа юрга хижрат қилган Иброҳим алайҳиссаломга ёши улғайиб, фарзанд кўришдан умиди узилган бир пайтда Аллоҳ таоло у зотга ҳалим бир ўғил берди. Иброҳим ўғлини кўз қорачиғидек авайлаб-асраб ўстирди. Фарзанд ота-онасининг кўз қувончи бўлиб ўсиб борди. Ота боласини кўриб, қувонар эди.

**«Бас, (бала) унинг ўзи билан бирга юрадиган бўлганида...»**

Ёлғиз ўғил Иброҳим алайҳиссалом билан бирга юрадиган бўлиб, отасининг ёнига кирган чоғда, тағсирчи уламоларнинг айтишларича, ўн уч ёшга тўлганида ота боласига қараб:

**«Эй ўғилчам, мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман, боқиб кўр, нима дейсан?» деди.**

Кексайиб қолганда кўрган жигарбандини отанинг ўзи сўймоқчи! Аллоҳнинг йўлида сўймоқчи! Тушида шуни кўрибди. Ота тушини Аллоҳнинг амри деб қабул қилди. Чунки Пайғамбарларнинг туши ваҳийдир. Бир марта эмас, бир неча бор кўрибди, шунинг учун ҳам жигарбандига «Сени сўяётганимни кўрмоқда-

ман», деди, «Кўрдим», демади. Бу иш Аллоҳ учун хижрат қилган одамга катта синов эди. Умр бўйи дину диёнат йўлида турли синовлардан ўтиб келган кишига яна бир бор улкан синов рўпара бўлди. Қариганида топган гулдай жигаргўшасини эндинга ёнига кириб, ўзи билан бирга юрадиган бўлганида ўз қўли билан сўйиши керак эди.

Мўмин, муҳлис банда Иброҳим алайҳиссалом бу ишни ўзига хос босиқлиқ, хотиржамлик ва ишонч билан қабул қилиб олди. Иккilanмади, «Қандай бўлар экан», деб ўйлаб ҳам ўтирмади, қутулиш учун бошқа чора ҳам изламади.

Лекин масаланинг иккинчи томони бор эди. Сўйилиши лозим бўлган қурбонлик одам эди. Жони, қони бор, эс-хуши, ақли бор эди. Иброҳим алайҳиссалом фарзандидаги шу жиҳатларни ҳисобга олиб, Исмоилнинг бу ишга қанчалик тайёрлигини синааб, унга маслаҳат солди.

**«Эй ўғилчам, мен тушимда сени сўяётганимни қўрмоқдаман, боқиб кўр, нима дейсан?» деди.**

Ҳа, бу нафақат отанинг ўзи, балки боласи учун ҳам синов эди. Ота узоқ умри давомида кўпгина синовлардан ўтган. Ўғил эса энди биринчи бор жиддий синовга рўпара бўлаётган эди. Шу билан бирга, ўғил Аллоҳ таоло у туғилишидан олдин хабар бериб қўйганидек, ҳалим ўғил эди. Ҳар қандай оғирликни ҳам чидам билан қарши олишга тайёр фарзанд эди. Шундай бўлди ҳам,

**«У: «Эй отажон, сенга амр этилганни бажар, инишааллоҳ, мени сабр қилувчилардан топурсан», деди».**

«Эй отажон! Сенга мени сўйиш амр қилинган бўлса, мени сўй, «Болажонимни сўйсам, у нима қилас экан», деб ўйлаб ўтирма. Мен Аллоҳ хоҳласа, сабр этаман, сабр қилувчи бандалардан бўлишга ҳаракат қиласман», деди.

Накадар буюк жасорат! Накадар улкан одоб! Аллоҳнинг амрига нақадар ажойиб итоат!

**«Икковлари таслим бўлиб, уни пешонасига ётқизганида... унга нидо қилдик: «Эй Иброҳим! Батаҳқиқ, сен тушни тасдик қилдинг! Албатта, Биз яхшилик қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз» (Соффаат сураси, 103-105-оятлар).**

Ота-бала қуруқ гап билангина кифояланмадилар фидокорликларини оғиздагина бажармадилар. Амалга ўтдилар. Ота-бала

**«Икковлари таслим бўлиб...»**

Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, итоат қилиб, амри адо этишга тайёр эканликларини тилда айтганларидан сўнг уни амалга оширишга ўтдилар ва ота

**«уни пешонасига ётқизганида...»**

Сўйиш вақтида кўз кўзга тушмасин, деб болажонини ерга қаратиб ётқизиб, уни сўйишга шайланиб, бўйнига пичноқ тортаётган бир пайтда

**«унга нидо қилдик: «Эй Иброҳим! Батаҳқиқ, сен тушни тасдик қилдинг!»**

«Сен тушингда кўрган амри тасдиқлаб, амалга оширдинг. Аллоҳнинг амрига таслим бўлиб, болангни сўйишга жазм қилдинг. Амрдан кўзланган мақсад ҳосил бўлди. У ҳам бўлса, бандаларнинг тамомила Аллоҳга таслим бўлишлари эди. Ҳар бир ишда Аллоҳнинг амрига итоат этишлари, фақат Унинг розилигини кўзлаб иш қилишлари эди. Ана ўша мақсад амалга ошди. Аллоҳга бандаларнинг жони керак эмас. Аллоҳга бандаларнинг қони ҳам керак эмас.

Аллоҳ таоло: **«Албатта, биз яхшилик қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз», деб унга марҳамат қилди.**

Ҳа, Аллоҳ таоло пайғамбари Иброҳим алайҳиссаломга нидо қилиб, деди:

«Эй Иброҳим, биз доимо гўзал иш қилган бандаларимизни сенга ўхшатиб мукофотлаймиз. Уларни турли синовлар учун танлаб олишимиз ҳам мукофотdir. Чунки шу синовлар орқали улар ажр-савобларга, олий мартаబаларга эришадилар, бундан ортиқ мукофот борми? Сени ҳам ўғлингни қурбонлик учун сўйиш орқали синовга дучор қилдик. Юзаки қарангандা, бу синов бало-офтат ва мусибат бўлиб кўринади. Аммо, аслида эса мукофотdir. Олий мақомларга эришиш омилидир. Шу синов бўлмаганида, сен қиёматгача фидокорлик тимсоли бўлиб қолмас эдинг. Ҳаммага ўрнак бўлмас эдинг. Илоҳий китобларда зикр қилинmas эдинг. Номинг ибодатларда тиловат этилмас эди».

**«Албатта, бу очик-ойдин синовнинг айни ўзидир» (Соффаат сураси, 106-оят).**

Яъни Иброҳимга ўғлини қурбонликка сўйиш амри синовнинг айни ўзидир, бошқа нарса эмасдир. Бу синовдан у яхши ўтди. Унинг ўғли саломат қолди.

**«Унинг ўрнига буюк қурбонлик фидо қилдик» (Соффаат сураси, 107-оят).**

Яъни «Биз Исмоилнинг ўрнига жаннатдан чиқарилган катта бир қурбонликни фидо қилдик.

Иброҳим қурбонлик учун боласини сўйишга тайёрлигини билдириди. Уни ётқизиб, бўйнига пичноқ тиради. Аммо Аллоҳнинг мақсади Исмоилнинг қонини оқизишиб бўлмагани учун пичноқ ўтмади. Шунда Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга юқоридаги нидони қилди ва Исмоил алайҳиссаломнинг ўрнига сўйиш учун жаннатдан катта бир қўчкорни ато этди. Иброҳим алайҳиссалом ўша қўчкорни қурбонликка

сўйди. Бу ишлар Минода – ҳозир мусулмон ҳожилар қурбонлик сўядиган жойда бўлиб ўтди.

Инсоният тарихидаги ўша буюк фидокорлик ҳодисаси ҳар йили такрорланадиган ибодатга айланди. Ҳар йили мусулмонлар дунёнинг тури томонларидан келиб, бу қиссани ёдга оладилар. Бу улуг фидокорлик қиссасини ўзлари қайтадан яшайдилар.

Иброҳим алайҳиссалом ва Исмоил алайҳиссалом каби, Аллоҳнинг йўлида ҳар қандай қурбон беришга тайёр эканликларини тиллари, диллари ва амаллари билан изҳор этадилар. Фидокорлик аломати сифатида қурбонликлар сўядилар. Бу харакатлари билан иймон байроғини янада юқори кўтарадилар. Аллоҳга бўлган итоатларининг энг гўзал томонларини намоён қиласидилар. Аллоҳга таслим бўлишни тажрибалидан ўтказадилар.

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло яна айтадики:

**«Ва кейингилар ичida унинг учун (олқишлиар қолдирдик)» (Соффаат сураси, 108-оят).**

Дунё тургунча келадиган авлодлар уни мақтаб олқишилаб ўтадиган қилиб кўйдик.

**«Иброҳимга салом бўлсин!» (Соффаат сураси, 109-оят).**

Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳ салом айтмоқда! Саломини қиёматгача боқий мўъжизаси – Қуръони Карим орқали эълон қилмоқда! Бу ҳол у зот алайҳиссаломнинг қадрлари нақадар юксак эканлигини яна бир бор кўрсатади.

## БАЙТУЛЛОҲНИНГ ҚУРИЛИШИ

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга ва у зотнинг солиҳ амалли зурриётларига имомлик ваъда килганини аввал ўрганган эдик. Ўша имомликнинг кўринишларидан бири – Байтуллоҳни қуриш ва унга тегишли ишлар бўлди.

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган узун қиссада жумладан, шу иборалар ҳам бор:

«Иброҳим:

«Эй Исмоил, Аллоҳ менга бир иш буюрди», деди. Исмоил:

«Роббингиз буюрган ишни адо этинг», деди.

«Сен ёрдам берасанми?» – деди.

«Ёрдам бераман», деди.

«Аллоҳ менга мана шу ерга уй қуришни буюрди», деб кичик тепалик ва унинг атрофини кўрсатди. Ана ўшанда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтара бошладилар. Ўғил тош ташир эдилар, ота қуар эдилар».

«Бакара» сурасида бу жараён қуидагида ёритилади:

**«Эсла, вактики, Иброҳим билан Исмоил Байтнинг пойдеворларини кўтараётуб, (дедилар): «Роббимиз, биздан қабул эт, албатта, Сен Ўзинг ўта эшичувчисан ва ўта билувчисан. Роббимиз, иккимизни Ўзингга мусулмон бўлганлардан қил ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга мусулмон уммат қил, бизга ибодатларимизни кўрсат, тавбамизни қабул эт. Албатта, Сен Ўзинг тавбани қўплаб қабул қилувчисан, ўта раҳмлисан. Роббимиз, уларнинг ичига ўзларидан уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, уларга Китобни ва ҳикматни ўргатадиган, уларни поклайдиган Расул юбор. Албатта, Сен Ўзинг ўта иззатлисин, ўта ҳикматлисан» (127-129-оятлар).**

Юқоридаги оятлар Байтуллоҳнинг қурилиш жараёнини жонлантириб, кўз олдимишга олиб келади.

Ота-бала пайғамбарлар Аллоҳ таолонинг амрига бўйсуниб, дарҳол иш бошладилар. Қалблари тўла тақво ила:

**«Эй Роббимиз, биздан қабул эт, албатта, Сен Ўзинг ўта эшичувчи, билувчисан», деб илтижо айлаб, дуо қилдилар. Бу жуда улкан мақомdir. Салафи солиҳлардан Вуҳайб ибн ал-Вард раҳматуллоҳи алайхи ушбу оятни ўқиганларида йиглаб туриб:**

**«Эй Роҳманнинг халили! Роҳманнинг байтининг пойдеворларини кўтариб турибсан-у, яна «Қабул бўлмай қолармикан», деб қўрқяпсанми?!» деган**



эканлар. Улкан қалблар, Аллоҳга етишган шахслар ана шундай хассос бўладилар.

Иброҳим ва Исмоил алайҳимуссалом Байтуллоҳни курав эканлар, фурсатни қулай билиб, кўнгилларидағи бошқа дуоларни ҳам қилиб олдилар:

**«Роббимиз, иккимизни Ўзинг-га мусулмон бўлганлардан қил...»**

Ўзлари мусулмон бўла туриб, яна шу дуони қилмоқдалар. Бу – хидоятда бардавом бўлиш учун Аллоҳдан ёрдам умиди, бутун борлиғи ила Аллоҳга таслим бўлишдан ажрамаслик умидидир. Шу билан бирга, улар ўзларига насиб бўлган иймон неъматидан зурриётлари ҳам баҳраманд бўлишини тиламоқдалар:

**«...ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга мусулмон уммат қил»,** демоқдалар.

Ақийда иши муҳим иш, у мўмин инсон учун энг аҳамиятли масаладир. Шунинг учун аввалги оятларда ҳарам аҳлига ризқ сўраган ота-бала пайғамбарлар энди зурриётларига Аллоҳдан иймон сўрамоқдалар.

Улар яна Аллоҳдан:

**«Бизга ибодатларимизни кўрсат, тавбамизни қабул эт»,** деб сўраяптилар.


Биз «ибодатларимизни» деб таржима қилган сўз араб тилида «манасикана» дейилган. «Маносик» сўзи аслида «ибодат» маъносини англатса ҳам, урфда «ҳаж ибодатлари» маъносида ишлатилади. Шунинг учун бу дуодан «Мана, Сенинг уйингни куряпмиз, энди уни ҳаж қилишни ҳам Ўзинг ўргат», деган маъно чиқади. Дуонинг охирида Аллоҳнинг уларни умидвор қилган сифатлари ҳам қўшиб айтиляпти:

**«Албатта, Сенинг Ўзинг тавбани кўплаб қабул қилувчисан, ўта раҳмлисан».**

Учинчи оятда Иброҳим ва Исмоил алайҳимуссалом Аллоҳ таоло томонидан катта неъмат – зурриётларига ўз ичларидан пайғамбар юборишини сўрамоқдалар.

**«Роббимиз, уларнинг ичига ўзларидан уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, уларга Китобни ва Ҳикматни ўргатадиган, уларни поклайдиган Расул юбор».**

Ўша Пайғамбар уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб беради. Китобни, яъни Аллоҳнинг Китобини ўргатади. Ўқишни, маъноларини, унга амал қилишни ва унга тааллуқли бошқа нарсаларни ўргатади. Ҳикматни ҳам ўргатади. «Ҳикмат»нинг



маъноси «ҳар бир нарсани ўз жойига қўйиш» демакдир. Уламоларимиз ««Ҳикмат»дан мурод Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатлари», деганлар. Мазкур Пайғамбарнинг вазифаларидан бири уларни поклаш, яъни ширк, куфр ва ёмон одатлардан поклашдир.

Аллоҳ таоло Иброҳим ва Исмоил алайҳимуссаломнинг дуоларини кўп асрлардан сўнг истижобат қилиб, Мухаммад алайҳиссаломни пайғамбар килиб юборди. У зот Иброҳим ва Исмоил алайҳимуссаломнинг зурриётларидан бўлиб, дуодаги барча сифатлар у зотда мужассамдир.

Чин дилдан қилинган дуо албатта қабул бўлади. Лекин қабул қилгувчи Зот қачон хоҳласа, ўшанда қабул қиласди. Одамлар буни тушунмай, шошиладилар, ноумид бўладилар, холос.

## ҲАЖНИНГ БОШЛАНИШИ

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга фақат Байтуллоҳни куриш шарафинигина бермади. Балки уни қуришдан асосий мақсад бўлган ҳаж ибодатини йўлга қўйишдек буюк баҳтни ҳам айни ўша зотга раво кўрди.

Инсоният тарихидаги ана шу энг улкан ҳодисалардан бири қандай кечганлигини «Ҳаж» сурасининг ушбу оятларидан ўрганамиз:

**«Эсла, Иброҳимга Байтнинг жойини белгилаб бериб: «Менга ҳеч нарсани шерик қилма, Байтим-**

**ни тавоф қилувчилар,** (ибодатда) қоим турувчиilar ҳамда рукуъ, сужуд қилувчилар учун поклагин. Одамларни ҳажга чақир, улар сен томон пиёда ва озиб кеттган уловлар устида узок-узок йўллардан келсинлар. Ва ўzlари учун бўладиган манфаатларга шоҳид бўлсинлар. Маълум кунларда уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (сўйишда) Аллоҳнинг исмими зикр қилсинлар. Бас, улардан енглар ва бечора, факирларга ҳам егизинглар. Сўнгра ўzlаридаги кирларни кетказсинглар, назларига вафо қилсинлар ва «қадимги уй»ни тавоф қилсинлар», деганимиз (26-29-оятлар).

Демак, Байтуллоҳни куриш иши Аллоҳ таолонинг Ўзининг бевосита кўрсатмалари асосида бўлган.

**«Эсла, Иброҳимга Байтнинг жойини белгилаб бериб...»**

Хатто Каъбаи Муаззамани қаерга қуришни ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи белгилаб берган. Белгилаб берганда ҳам, Ўзининг Пайғамбари Иброҳим алайхиссаломга белгилаб берган.

Иброҳим алайхиссалом ўғиллари Исмоил алайхиссалом билан Аллоҳ таолонинг амрига мувофиқ кўрсатилган жойга Байтуллоҳни куриб битирганларидан сўнг Аллоҳдан қўйидаги фармон келди:

**«Менга ҳеч нарсани шерик қилма...»**

Яъни «Менга дунёдаги ҳеч бир нарсани шерик келтирма. Байтнинг эгасига ширк келтириш мумкин эмас. Унинг шериги йўқ».

**«...Байтимни тавоф қилувчилар, (ибодатда) қоим турувчиilar ҳамда рукуъ, сужуд қилувчилар учун поклагин».**

Байтуллоҳнинг эгаси Аллоҳ таоло томонидан унинг қурувчиси Иброҳим алайхиссаломга айтилаётган бу сифатлар мусулмонларда мавжуд. Демак, Байтуллоҳга, Масжидул Ҳаромга мусулмонлар ҳақлидирлар.

**«Одамларни ҳажга чақир...»**

Эй Иброҳим, одамларни ҳаж ибодатига чақир.

**«...улар сен томон пиёда ва озиб кеттган уловлар устида узок-узок йўллардан келсинлар».**

«Энг узок юртлардан ҳам келсинлар. Пиёда юриб бўлса ҳам, келсинлар. Йўл узоқлигидан, машақатлилигидан уловлари озиб-хориб кетса ҳам, келсинлар».

Байтуллоҳнинг эгаси унинг қурувчисига шундай деб турганидан кейин мусулмонларни ундан тўсишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**«Ва ўzlари учун бўладиган манфаатларга шоҳид бўлсинлар».**

Байтуллоҳни ҳаж қилишда ҳар бир ҳожи учун кўплаб дунё ва охират манфаатлари бор. Ҳажда иж-

тимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатлар кўп. Ҳажга келувчилар аввало, Аллоҳга ибодат қилади, тақвоси зиёда бўлади, қолаверса, бир-бирлари билан танишадилар, ўзаро фикр ва тажриба алмашадилар, фойдали маслаҳатлар оладилар, шунингдек, савдосотик, тижорат ҳам қиладилар. Уларнинг бу манфаатларидан баҳраманд бўлишга ҳақлари борлигини Аллоҳнинг Ўзи эълон қилиб қўйган.

**«Маълум кунларда уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (сўйишда) Аллоҳнинг исмими зикр қилсинлар».**

Ҳаж палласи Аллоҳ таолони зикр қилиш авжига чиқадиган мавсумдир. Бу мавсумнинг авжи эса ийд кунлари бўлиб, унда зикр қурбонлик сўйиш жараёнида яна авжланади. Ҳар бир ҳожи Аллоҳнинг йўлида барча нарсани қурбон қилиш рамзи сифатида Аллоҳнинг номини зикр этиб туриб, тую, мол, қўй каби чорва ҳайвонларини қурбонлик қилади.

**«Бас, улардан енглар ва бечора, факирларга ҳам егизинглар».**

Қурбонлик қилувчи ҳожи қурбонлигидан ўзи еса ҳам бўлади, бева-бечора, факир-фуқароларга егизса ҳам бўлади.

Масжидул Ҳаромнинг эгаси бўлмиш Аллоҳ таолонинг бу амрига қарши мусулмонларни ўша манфаатлардан, қурбонлик қилишдан, Аллоҳнинг номини зикр этишдан тўсишга Қурайш кофирларининг нима ҳаққи бор?

**«Сўнгра ўzlаридаги кирларни кетказсинглар...»**

Қурбонлик қилиб бўлганидан кейин ҳожига эҳромдан чиқишига рухсат бўлади. Шунда унинг учун эҳром вақтида мумкин бўлмаган соч олдириш ёки кисқартиришга, қўлтиқ остидаги ва бошқа жойлардаги тукларни, тирноқларни олишга изн берилади. Ҳожи бу ишларни бажариб, ювиниб-таранади. Оятда

**«...ўzlаридаги кирларни кетказсинглар...»** дейишидан мақсад шу.

**«...ва «қадимги уй»ни тавоф қилсинлар».**

«Қадимги уй»дан мурод Каъбатуллоҳдир. Бу тавофни фарз тавоф, ифоза тавофи дейилади. Бу тавоғисиз ҳаж ҳаж бўлмайди. Шуни адo этиш билан ҳаж ибодати ҳам тугайди.

Масжидул Ҳаромнинг тарихи ва унда қилинадиган амаллар ана шулардан иборат. Аллоҳ таоло у ернинг хурматини сақлашга чақирган. У ерда маълум ишларни ҳаром қилган. Бунга ҳамма амал қилиши керак.

*«Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан олинди.*

# КУРБОНЛИК АЛЛОҲНИНГ АМРИДИР

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз. Ундан ёрдам сўраймиз. Нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят килган кимсани адаштирувчи йўқ, адаштирган кимсани ҳидоят килувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, Унинг ўхшаси, тенги ва мисли йўқ, деб ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Унинг бандаси, элчиси, халили, халқлари ичидан танлаб олган ва Ўз ваҳийсига ишонган аминидир, дея гувоҳлик бераман.

Ислом оламида Рамазон ва қурбон ҳайитлари машҳур байрамлар саналади. Рамазон ҳайити Рамазон рӯзасини тутиб, савобларга эга бўлинганидан сўнг хурсандчилик нишонаси сифатида байрам қилинса, қурбон ҳайитида қурбонлик қилиш имкониятига молик бўлган ҳар бир мўмин жонлик сўйиб, Аллоҳга яқинлик, яъни қурбат ҳосил қиласди. «Қурбонлик» сўзининг ўзи ҳам қурбат, яъни Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш маъноси ни англатади. Биламизки, Аллоҳ таоло бизнинг сўйиган жонликларимизнинг гўштига ҳам, таъмига ҳам, ҳидига ҳам муҳтож эмас. Сўйиган жонликларимизнинг гўштини ўзимиз ейишимиш ёки тақсимлаб, тарқатишимиш жоиз. Қурбонлик қилиш Аллоҳ таолонинг Китоби бўлмиш Қуръони карим оятлари билан ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган ҳадислар билан бизга вожиб бўлган. Келинг, бу амалнинг вожиблигини тасдиқлаш учун Аллоҳ таолонинг Китобига ва саҳобаи киромлардан ривоят қилинган ҳадисларга мураҷаат қиласмиш.

Маълумки, қурбонлик учун жонлик сўйиши Аллоҳнинг суюкли пайғамбари Иброҳим халилуллоҳ алайҳиссалом томонидан илк бора амалга оширилгандир.

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳдан солиҳ фарзанд ато этишини сўраб дуо қиласи эдилар. Аллоҳ таоло унга ўзи истаганидек, солиҳ фарзанд ато этди.

«Бас, унга бир ҳалим ўғилнинг хушхабарини бердик. Бас, (бала) унинг ўзи билан бирга юрадиган бўлганида: «Эй ўғилчам, мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман, боқиб кўр, нима дейсан?» деди. У: «Эй отажон, сенга амр этилганни бажар, иншааллоҳ, мени сабр қилувчилардан топурсан», деди» (Соффаат сураси 101-102-оатлар).

Саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумонинг айтишларича, барча пайғамбарларнинг кўрган тушлари ваҳийдир. Шунинг учун ҳам Иброҳим алайҳиссалом тушларида берилган фармоннинг ўзи биланоқ ўғиллари И smoил алайҳиссаломни қурбонлик қилишга чоғландилар ва ўғиллари ҳам ҳеч бир эътирозсиз Аллоҳнинг амрига бўйсундилар. Ўшанда у киши эндигина ўн уч ёшга қадам қўйган эдилар.



Бу ҳолатни Сўфи Оллоҳёр қуйидагича таърифлайди:  
*Азалда ҳар кишини айласа саъд,  
Халил ўглидек этса содикул-ваъд.  
Агар забҳ этсалар, қайтармагай қоши,  
Кўрунмас боши ани олдида бир моши.*

«Икковлари таслим бўлиб, уни пешонасига ётқизганида... унга нидо қилдик: «Эй Иброҳим! Батоҳқиқ, сен тушни тасдиқ қилдинг! Албатта, Биз яхшилик қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз». Албатта, бу очиқ-ойдин синовнинг айни ўзидир. Унинг ўрнига буюк қурбонлик фидо қилдик. Ва кейингилар ичидан унинг учун (олқишилар) колдирдик: «Иброҳимга салом бўлсин!» Яхшилик қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз. Чунки у мўмин бандаларимиздандир» (Соффаат сураси, 103-111-оатлар).

Баъзи тафсир китобларида: «Иброҳим алайҳиссалом туш кўрган кечанинг эртаси Зулхижжа ойининг ёлғон арафаси куни эди, кўрган туши Раҳмонданми ёки шайтонданми – била олмагани учун шу ном берилган; иккинчи кеча кўрган туши аниқ бўлгани учун эртаси кун чин арафа деб аталган, учинчи кеча яна ўша тушни кўриб, тонгда қурбонликка қарор қилгани учун у кун қурбонлик кунидир», деб ёзилган.

Кўпчилик мусулмонлар Ислом арконлари ва фарз амалларига жиддий қарайдилар. Аммо қурбонлик қилишга келганда эътиборсиз бўладилар. Юқорида айтиб ўтганимиздек, қурбонлик – Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш демакдир. Имкони етган ҳар бир мўмин қурбонлик қилса, Аллоҳ таолодан улуғ ажрларга эга бўлади.

Хусусан, қўй ва чорвалар билан шуғулланадиган чўпонлар ва тижоратчи биродарларимизга ҳам эслатмамиз шуки, азизлар, қурбонлик арафасида қўй ва чорваларнинг нархларини оширмайлик. Мусулмонлар имконлари етганича қурбонлик сўйиб, бу кунни шоду хуррамлик билан байрам қисинлар.

*Дилором тайёrlаган*

Ассалому алайкум, ҳаж сафарига отланган муҳтарама онахонлар, опа-сингиллар! Насиб этгандан ҳаж сафари муборак ва хайрли бўлсин. Бу сафарни Аллоҳ даргоҳида ҳаж ибодати мартабасида қабул қилсин. Ушбу сафарга мұяссар бўлган ҳар бирингизнинг қалбингиздаги қувонч ва шукр зиёда бўлсин!

Бу ёруғ дунёда ҳар бир мўмину мўмина учун баҳт санаамиш ҳаж сафари (иншааллоҳ, ибодати) сизга насиб этганидан қанча қувониб, шукр қилсангиз, оз. Масъулият анча залворлидир. Энди ҳар бирингиз хаётингизни икки босқичга бўлиб, унга ҳаждан олдинги ва Худо хоҳласа, ҳаждан кейинги поғоналар деб қарайсиз.

Ҳаждан олдинги ҳаёт тарзингиз, одоб-ахлоқ, гап-сўз, муомала, кишиларга бўлган муносабатларингиз поғонаси ҳаждан кейин, албатта, сифат жиҳатидан қаралганда ҳеч бўлмаганда бир поғона юқорига кўтарилсин.

Ҳаж дунё миқёсидаги сафардир. Сиз юртимиз худудидан ташқарига чиқиб, миллатимиз, юртимиз вакилалари сифатида дунё ҳалқларининг олдида намоён бўласиз. Мен бу ерда ибодат чоғидаги одобларни назарда тутмаяпман. Сиз уларни жуда яхши ўрганиб олгансиз. Мен одамийлик ахлоқ-одобини, аёллик ҳаё-ибосини назарда тутяпман.

Бу инсонларнинг сайру саёҳат, тижорат, кўнгилхушлик сафари эмас, балки одамийлик фазилатлари синаладиган сафардир.

Аллоҳдан қўрқкан бандагина одамлардан уялади. Роббим гувоҳ, ҳеч бирингизнинг қалбинингизни ранжитмоқчи эмасман. Лекин юртимиз чегаралари очилиб, дунёга саёҳатлар бошланганидан буён юртдошларимиз бўлмиш баъзи аёлларнинг ўзбек аёли шаънига тушираётган доғларини сиз юваб юборинг. Ҳақиқий муслима ўзбек аёлининг ахлоқ-одоби, ўзини тутиши, юриш-ту-

# ҲОЖИЯЛАРГА НАСИХАТ

риши, муомаласи қандай эканини дунёга намоён қилинг, дея ўтинаман, холос.

Азиз онахонлар, опа-сингиллар, сизларнинг атрофингизда, таниш-билиш, қўни-қўшниларингиз ичида ахлоқсизлари бўлса, тартибга чакиринг. Албатта, мўмина, муслима аёл учун ўзини одоб чегарасида сақлаши фарзdir. У Аллоҳдан қўрқади, шунинг учун бандалардан уялади. Ўзини тутишда, овозни баланд кўтармасликда, ҳар хил қарғиши сўзларини ишлатиб ўзгаларнинг кўнглини ранжитмасликда у ўзгаларга намуна бўлиши лозим.

Ана энди аёл киши ҳажда ва ҳаждан сўнг бу кўрсатмаларни қай даражада ушлаши ва риоя қилиши кераклигини тушунгандирсиз? Ҳожи оналарнинг шаънига ҳеч бир кинояли гап сифаслигини билгандирсиз? (Яъни «Яна ҳожи она эмиш» деганга ўхшаш гаплар.)


Масъулиятли ва шарафли, ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган, фақатгина Аллоҳ чақирган

ва насиб қилганларгина Ҳожи она мартбасига сазовор бўладилар. Ана шу мартбага муносиб Ҳожиялар бўлинглар!

Сафарларнинг бехатар ва самарали бўлсин. Ҳаж ибодатингиз мабурур ҳаж бўлишини Аллоҳдан сўраб қоламан.

Фирдавс





# ХАЖНИНГ ОДОЛАРИ

1. Ҳаж килмоқчи бўлган одам аввало Аллоҳ таолога астойдил тавба қилисин. Гуноҳларини тарқ эта туриб, аввал содир бўлганларига надомат қилиб, бундан сўнг такрорламасликка азму қарор этсин.

2. Кимга зулм етказган, кимни хафа қилган ёки кимнинг кўнглини қолдирган бўлса, улардан узр сўрасин.

3. Энг муҳим жиҳатлардан бири – қилаётган ҳаж ибодатидан Аллоҳ таолонинг розилигини ва охиратининг ободлигини кўзласин. Дунё ва унинг зийнатларини, риёкорлик, ном чиқариш, фахрланиш каби нарсаларни зинҳор ва зинҳор хаёлига келтирмасин. Акс ҳолда барча қилган сайд-харакатлари бехуда кетади.

4. Ота-оналари тирик бўлсалар, уларнинг розикларини олсин, дуоларини сўрасин.

5. Ҳаж сафари билан овора бўлиб, бошқа ибодатларга эътиборсизлик қилмасин. Айниқса, намозга эҳтиёт бўлсин, чунки намознинг зарурлиги ҳаждан ҳам эътиборли.

6. Сафар чоғида доимо Аллоҳ таолони зикр этсин, дуо қилисин, истиғфор айтсин. Куръони Каримни

тиловат қилин. Тилини бўлмағур гаплардан, бехуда сўзлардан, ёлғон, фийбат, чақимчилик, сўкиш каби бузуклик-лардан тийсин. Қўлидан келганча одамларга яхшилик қилиш пайи-дан бўлсин.

7. Ўтган уламоларимизнинг энг муҳим насиҳатларидан бири шуки, ҳожилар ҳаж давомида қалбни машғул қилиб, хаёлни олиб қочувчи тижоратдан холи бўлишлари кепрак. Ўзларини хор тутсиналар, зебу зийнатга эътибор бермасинлар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай қилганлар.

*Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расуулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

«Арафа куни Аллоҳ осмонга тушади ва улар ила фаришталарга мақтаниб: «Бандаларимга қаранглар! Турли жойлардан хору зор бўлиб ҳузуримга келдилар. Сизлар гувоҳ бўлинглар, Мен уларнинг гуноҳларини кечдим», дейди».

8. Ҳажга қилинадиган сарф-харажат ҳалолдан бўлиши шарт.

9. Исроф ва зиқналиқдан четланган ҳолда, ўртача йўл тутиб, чин кўнгилдан зоди ва таомини бемалол қилиш. Ҳаж йўлида емоқ-ичмок учун сарфланган ҳар бир сўмга етти юз баробар савоб берилади.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу: «Сафарда озиқ-овқатнинг яхши бўлиши кишининг қарамидандир. Ҳожиларнинг афзали нияти холисроқ, нафақаси покроқ ва ишончи комилроқ бўлганидир», дер эдилар.

*Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расуулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ҳажжи мабурурнинг жаннатдан бошқа савоби йўқ», дедилар».**

**«Эй Аллоҳнинг Расули! Ҳажжи мабурур нима?» дейилди.**

**«Таом бериш ва салом ёйиши», дедилар».**

*Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишиган.*

10. Шаҳвоний нарсалар, фисқ ва жанжалга йўл кўймаслик. Аллоҳ таоло бу маънони Куръони Каримда таъкидлаган.

Бу борадаги шаҳвоний нарсалар арабчада «рафас» дейилади ва барча шармсиз гап-сўз ҳамда хатти-харакатларни ўз ичига олади. Аёлларга хушомад гапларни айтиш, шаҳвоний гап, ишора ва харакатлар қилиш каби нарсалар рафасга киради.

Фисқ эса Аллоҳнинг ҳар бир тоатидан чи-қишидир. Жанжал маълум ва машхур нарса.

Ҳаж қилувчи киши мазкур нарсалардан алоҳида эҳтиёт бўлиши лозим.

11. Бакувват, юрса қийналмайдиган кишилар пиёда ҳаж қилишлари афзал. Шунингдек, бемор, қари ва узрли кишилар ибодатларига нуқсон етмаслиги учун, улов миниб ҳаж қилганлари афзал.

12. Ўзига вожиб бўлмаса ҳам, жонлик сўйиб, қурбат ҳосил қилишга ҳаракат қилсин. Қиласиган қурбонлиги семиз ва чиройли бўлишига эътибор берсин. Қурбонлик вожиб бўлса, ўзи емасин. Агар қурбонлик ихтиёрий бўлса, ўзи ҳам есин.

*Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:**

**«Ҳажнинг нимаси афзал?» деб сўралди.**

**«Баланд овози ва қон оқизгани», дедилар.**

**Термизий ривоят қилган.**

Қилган сарф-харажатини, сўйган қурбонлигини, ўзига етган мashaққат ва қийинчиликларни бағрикенглик илиа қабул қилсин. Уларга чин қалдан хурсанд бўлсин. Мана шу ҳолат юзага чиқса, бу ҳажнинг қабул бўлгани аломатидир. Ҳаж йўлида етган ҳар бир мashaққат Аллоҳ таолонинг йўлида нафака қилганнинг ўрнига ўтади.

Ҳажнинг қабул бўлгани аломатларидан яна бири, аввалги маъсиятларни тарқ қилиб, ёмон дўстлар ўрнига яхши дўстлар ортириш, ғафлат ва бехуда мажлислар ўрнига зикр ва илм мажлисларида иштирок этадиган бўлишдир.

## ҲАЖНИНГ НОЗИК СИРЛАРИ

Аллоҳ таолога етишиш учун бутунлай Унинг ўзини кўзлаган ҳолда ажраб чиқмоқ керак бўлади. Шунинг учун ҳам қадимги роҳиблар Аллоҳ таолога етишиш мақсадида ҳамма нарсадан ажраб, тоғларга чиқиб кетар эдилар.

Исломда роҳиблик йўқ. Аммо таққослаш учун айтадиган бўлсак, Ислом умматининг роҳиблиги ҳаждир. Ҳаж ибодатини адо этмоқчи бўлган бандада барча шаҳватлар, лаззатлардан, алоқа ва машгулотлардан, ҳатто одатдаги кийимларидан ҳам ажрайди.

Ҳаж ибодатини адо этмоқчи бўлган ҳар бир киши иложи борича қуидаги нозик сирлардан хабардор

бўлгани мақсадга мувофиқ. Аввало, ҳажнинг моҳиятини фаҳмлаб етмоғи лозим. Яъни ҳажнинг диндаги ўрнини фаҳмлаган одамнинг унга шавқи ортади ва ҳаж қилишга азму қарор қиласин.

Ҳажнинг ҳар бир амалида эслатма ва ибрат бор:

1. Ҳажга керак бўладиган нарсаларни жамлаганда охиратга керак бўладиган нарсаларни эсига олсин.

2. Оддий кийимларини ечиб, эҳромга кираётганида, кафанин ва Роббига бу дунё кийимларидан бошқача кийим илиа рӯбарў бўлишини эсга олсин.

3. »Лаббайка»ни айтишни бошлаганида Аллоҳ таолонинг чақириғига жавоб берәётганини эсга олсин ва қабулни орзу қилиб, қабул бўлмай қолишидан кўрксин.

4. Ҳарамга етганда, уқубатдан омон қолишини орзу қилсин ва яқинлардан бўлмай қолишдан кўрксин. Аммо умидворлик ғолиб бўлсин.

5. Байтуллоҳи кўрганида, қалбида унинг улуғворлигини ҳозир қилсин ва Аллоҳ таолога ўзини меҳмонлари мартабасига эриштиргани учун шукр қилсин ҳамда Байтуллоҳни тавоғ қилиш нақадар улуғворлигини ҳис этсин.

6. Ҳажарул асвадни истилом қилган (уни қўли билан ушлаган ёки ишора қилган) пайтида Аллоҳ таолога итоат қилишга байъат қилганига эътиқод қилсин ва бу байъатга вафо қилишга азму қарор қилсин.

7. Каъбаи Муаззаманинг пардасига осилганида ва Мултазамда турганида, гуноҳкор ўз хожасининг паноҳига қочганини эсласин.

8. Сафо ва Марва орасида саъии қилаётган пайтида уларни «тарозининг икки палласи» деб ўйласин. Уларнинг орасида бориб-келишини «қиёматнинг аросати» деб ўйласин.

9. Арафотда турганида, одамларнинг издиҳомини кўрганида, овозларининг кўтарилишини эшитганида, тилларининг турли-туманлигини билганида, киёмат мавқифини, унда ҳалойиқнинг жамланишини ва шафоат сўрашларини эсга олсин.

10. Тош отиш пайтида қулликни намоён қилишни ва фармонга бўйсуниб, уни сўзсиз бажо этишини қасд қилсин.

11. Қурбонлик сўйиш пайтида бу ишнинг Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилишнинг энг муҳим турларидан бири эканини, қурбонликнинг ҳар бир бўлаги эвазига қурбонлик қилувчининг бир бўлаги дўзахдан ҳалос бўлишини эсласин.

*«Рұҳий тарбия» китобидан олинди.*

# МУЛЬФИЛЬМ ВА БОЛАЛАР

Шак-шубха йўқки, оммавий ахборот воситаларидан бўлмиш радио, телевизор, интернет ва бошқалар бугунги кунда инсон ақли етиб борган энг юксак ихтиро, балки моддий маданият ўртага ташлаган буюк бир натижа ҳамдир. Бу нарсалар яхшилик учун ҳам, ёмонлик учун ҳам бирдек хизмат қилувчи қурол бўлиб, уларни илмни ёйиш, исломий ақийдани собит қилиш, яхши ахлоқларни тарқатиш, ўтмиш билан бугунни боғлаш, тарбиявий ва дунёвий фойда олиш каби ишлар учун ишлатса бўлади. Аммо ойнаи жаҳон орқали чет эл каналлари ҳам деярли барча хонадонларга кириб улгурган. Бу каналлар орқали эфирга узатиладиган теледастурларнинг кўпчилиги бизнинг дини-

миз ва қадриятларимизга мос келмайдиган бузук, хаёсиз ғояларни тарқатмоқда. Катталар бу каналларга ўзлари томоша қилиш учун уланишгандир... Лекин улар телевизор қаршисида фақат ишга кетгунларича ва ишдан келганиларидан кейин бироз ўтиришлари мумкин. Бу тўртбурчак «кути»нинг тагида эрталабдан кечгача мурғак қалбли, яхши-ёмонни фарқлай олмайдиган гўдак михланиб ўтиради. Айниқса мультфильм томоша қилиш болаларнинг кун бўйи шуғулланса ҳам мутлақо зерикмайдиган севимли «машғулотлари»дир.

«Шуни кўрса, жим ўтиради, тўполон қилмайди» ёки «Ҳар хил каналлар кўриб турмаса, замондан орқада қолиб кетади, бу давр талашиби!» деган фикрдаги ота-оналар диққатига:



## ФИЛЬМЛАРИНГ БОЛАЛАРГА САЛБИЙ ТАЪСИРЛАРИ

1. Ақийда ва эътиқодга таъсир этади ва боланинг мурғак қалбида ақийдалар жанги бошланиб кетади. Масалан, Хитой ва Америка мультфильмларида уларнинг ўз илоҳлари яхши сифатлар билан кўрсатилади.

2. Кўзга зарари. Заарланганликнинг дастлабки аломати — бола экранга тикилиб олиб, кўзларини пирпиратмасдан томоша қилганидан кўз етарлича намланмайди ва кўз ачишиши бошланади.

3. Ҳар хил фантастик фильмлар боланинг хаёлот дунёсини ўлдиради. Ўзича бир нарсалар ўйлаб топиб, тасаввур қилиш қобилиятини сусайтиради.

4. Ўқишдаги ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатади.

5. Кўп вақт ёлғиз ўтиравергач, узлатда, одамлардан четда бўлишни афзал кўриб қолади.

6. Катталар учун ишланган фильмларни томоша қилиш ахлоқий бузилишга олиб келади.

7. Ҳозирда кенг тарқалган севги мавзусидаги мультфильмлар болаларнинг ёшига тўғри келмайди. Ҳатто барчага машҳур «Микки Маус» ҳам севги қиссаси асосида суратга туширилган.

8. Дангасаликка олиб келади.

9. Жисмоний ўсишни секинлаштиради, спортга, турли ҳаракатли ўйинлар ўйнашга бўлган қизиқишни сусайтиради.

10. Ихтиро қилиш қобилияти йўқолиб боради. Бола ҳамма нарса кўз ўнгига намоён бўлишига ўрганиб, миясини, тасаввур қилиш қобилиятини ишга солишдан эринадиган бўлиб қолади.

11. Ўсмирликда оддий фильмлар ҳам нотўғри жинсий фикрлар уйғонишига сабаб бўлади.

12. Рекламалар боланинг маҳаллий тили бузилишига сабаб бўлади.

Ҳозирги замон чет эл мультфильмлари болалар онгига ҳар хил ёт ғояларни сингдириш билан овора. Улар боладаги Аллоҳ таоло ҳақидаги ақийдани «титратиб» кўяди, бузук фикрлар тарқатади, бузук ақийдаларни сингдиради, одобга зид бўлган баъзи ишларга ундейди, кўркувни ёяди. Албатта, ҳамма нарсанинг ҳам меърдагиси заардан холи

бўлади. Мультфильмларнинг болаларга бир қанча фойдалари ҳам бор: нутқни ўстириш, дунёқарашни шакллантириш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Қуйида мультфильмларнинг заарларини четлаб ўтишга ёрдам берадиган баъзи маслаҳатлар берилади:

1. Фарзандингизнинг ёшига мос мультфильм танланг. Бальзи-баъзида йўл-йўриқ кўрсатган ҳолда фильм танлашда унинг ўзига ҳам ихтиёр бериб туринг.

2. Мультфильм сценарийси замираида маълум бир мақсад кўзланган бўлсин.

3. Иложи бўлса, вақт ажратиб, болангиз билан бирга сиз ҳам мультфильм томоша қилинг. Кейин кўрганларини таҳлил қилиб, хулоса чиқаришни талаб қилинг.

4. Оддий кунларда телевизор кўришни маълум соатларга чекланг. Таътил кунларида эса қанчадир муддатга оширинг, лекин томоша қилиш вақтини қатъий белгилаб қўйинг. Агар фарзандингиз бирор ножӯя ҳаракат қиласа, жазо сифатида ушбу белгиланган вақтни камайтириш ёки умуман маҳрум қилиш мумкин. Болани телевизордан тўсгач, албатта унга бошқа бирор бир фойдали машгулот топшириш керак.

5. Мультфильм кўриш асосида болага вазифалар топширинг. Масалан, рангли қаламлар билан ўша мультқаҳрамоннинг суратини чизиш, ўша хонада бажарилиши мумкин бўлган бирор уй юмушини қилиш, томоша қилган нарсасининг яхши ва ёмон жиҳатларини ёзиб бориш ёки чизиш ва ҳоказо.

6. Мультфильмни ўртоқлари билан биргаликда томоша қилишига изн беринг ёки ота-она, оила даврасида кузатув остида томоша қилсин.

# АЛИНИ ФАҚАТ

## яҳшилик билан эсла

Йўлда бир оз юриб, масжид яқинига келганларида оқсоқол:

«Бир вақтлар ўқигандим: Умар билан Али розияллоҳу анхумо бир-бирлари ҳақида фақат яҳши гапларни гапиришган. Ҳар бир ишда ўзаро маслаҳатлашиб иш кўришган. Улардан бири ўз дўсти ҳақида одамлар озор берадиган сўзларни гапиришини ёқтирас эди, – деди. Сўнгра давом этди: – Бир киши Али розияллоҳу анхуни ёмон сўзлар билан ёдга олди. Буни эшитган Умар Алиниг шарафли нубувват хонадонидан эканини эслатиш учун Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларига ишора килиб:

«Бу қабр соҳиби кимлигини биласанми? Албатта, у зот Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмуттолибдир. Али эса Абу Толиб ибн Абдулмуттолибининг ўғли! Алини фақат яҳшилик билан эсга ол. Агар сен уни ёмон кўрсанг, албатта, бу қабрдаги зот соллаллоҳу алайҳи васалламга озор берган бўласан», деди.

Болалардан бир Суҳайб оқсоқолдан Умарнинг Алига бўлган муҳаббати ҳақида сўради:

«Умар фақат Алиниг ўзини яҳши кўрармиди ёки Алиниг болаларини ҳамми?»

Бу саволни эшитган оқсоқол хурсанд бўлиб кетди. У Суҳайбга:

«Суҳайб, сен жуда хушёр бола экансан. Сенга айтсан, ўғлим, Умар Алини қанчалик яҳши кўрса, унинг фарзандларини ҳам шунчалик яҳши кўрган, икром қилган. Уларга Аллоҳнинг салавот ва саломлари бўлсин», деди.

Мұхаммад:

«Бобо, бизга мана шу ҳақдаги бирор ривоятни айтиб беринг», деди.

Оқсоқол:

«Хўп бўлади, болажоним. Кунларнинг бирида ҳалифа Умар розияллоҳу анху саҳобаларнинг болаларига чиройли либослар кийдирди. Қараса, Ҳасан билан Ҳусайнга тўғри келадига нарса йўқ. Шунда Яманга одам юбориб, у иккисига кийим опкелтириди.

Сўнг Умар розияллоҳу анху:

«Энди кўнглим тўлди», деди.

Яна бир воқеа: Ҳусайн розияллоҳу анху бир куни Умар розияллоҳу анхунинг ҳалифалик даврида у кишини зиёрат қилиш учун келди. Умарнинг ҳузурида Муовия розияллоҳу анху бор бўлиб, улар иш билан банд эдилар.

Эшикнинг олдида Абдуллоҳ ибн Умар туариди. Унинг ичкарига кирмай, қайтиб кетганини кўрган Ҳусайн розияллоҳу анху ҳам қайтиб кетди.

Бир куни Умар розияллоҳу анху Ҳусайн розияллоҳу анхуни учратиб, зиёрат учун келганида нима учун ичкарига кирмаганини сўради. Шунда ўғли Абдуллоҳ розияллоҳу анхунинг эшикдан қайтиб кетганини кўриб, ўзи ҳам қайтиб кетганини айтди. Умар розияллоҳу анху: «Изн сўрашга Абдуллоҳдан кўра сен ҳақлироқсан», деди.

**Саволларга жавоб беринг:**

**1. Қария бир замонлар нимани ўқиди?**

- A) Умар ва Али орасидаги хилофни
- B) Умар ва Али орасидаги дўстликни
- B) Умар ва Али орасидаги мақтоворни

**2. Умар ва Али орасидаги ўзаро алоқа қандай эди?**

- A) Бир-бирларига ойна эдилар
- B) Бир-бирларидан маслаҳат сўрамас эдилар
- B) Ҳар бир ишда ўзаро маслаҳатлашиб иш кўришган

**3. Умар Алини гийбат қилган кишига нима деди?**

**4. Умар Алиниг фарзандларини ҳам яҳши кўрармиди?**

**5. Умарнинг муҳаббати ҳақидаги ҳикоялардан айтиб беринг.**

«Мабарроту ал-Али ва ал-асҳабиҳи»

муассасасининг

«Қариялар ва дўстлар» журналидан.

Одинахон Мұхаммад Юсуф маржимаси

# ХОМИЛАДОРЛИК ВАҚТИДА ДИСБАКТЕРИОЗ

Нотұғри овқатланиш, стресс ҳолатлари, антибиотикларни суиистеъмол қилиш, ёмон экология – булар түрли қулайликлардан, катта шаҳарлarda юзага келгандыкта имкониятлардан фойдаланиш эвазига тұланадиган нархдир. Ичак микрофлорасининг бузылиши санаб ўтилган сабабларнинг оқибатларидан биридей. Бугун биз ҳомиладорлик давридаги дисбактериозни даволаш ва олдини олиш ҳақида баъзи маълумотларни беріб үтамиз.

## Микрофлора нима учун керак?

Инсон организмінде 3000дан ортиқ бактерия яшайды. Фойдали лакто ва бифидобактериялар потоген микрофлоралар сонини «назорат» қылғыдай, организмни түрли хил вируслардан қимоя қилады, овқат ҳазм қилишда, темир моддасы, витаминлар ва ёғларнинг сингишида ҳамда мураккаб углеводлар ва оқсилларнинг парчаланишида иштирок этади.

«Микроб мувозанаты» жиғдій бузилгандан ичактарда потоген микроорганизмлар фаоллашады, мөйөрда бўлған фойдали бифидо ва лактобактериялар нобуд бўлади, модда алмашинуви бузилади, қонга нейротоксин, кантсерогенлар синга бошлайди. Дисбактериоз даврида маҳаллий иммунитет бузилиб, вирусларга қарши курашиб тизими коэффициенти пасаяди. Натижада заифлашган организмнинг түрли касалликларга чалиниши осон бўлиб қолади.

## Дисбактериознинг сабаблари

**Антибиотиклар.** Антибиотиклар касалликка сабаб бўлувчи бактерияларни йўқотибгина қолмай, микрофлора мувозанатини сақлашда зарур бўлған фойдали микроорганизмларни ҳам нобуд қилади.

**Норационал овқатланиши.** Афсуски, ҳозирги пайтда истеъмол учун тоза органик маҳсулотлардан фойдаланадиган кишилар камчиликни ташкил этади. Ваҳоланки бизнинг давримиздаги кўпчилик истеъмол маҳсулотлари консерванлар, бўёқлар ва бошқа түрли хил кимёвий моддалардан ташкил топган. Бу ҳам баъзиларда дисбактериозга олиб келиши мумкин.

**Нурланиши.** Айрим шифокорлар техник воситаардан фойдаланишда нурланишнинг таъсири бор, деб ҳисоблайдилар.



Дисбактериоз натижасида гастрит, ошқозон-ичак касалликлари, гормонал алмашинув жараёни, аллергия каби түрли хил касалликлар келиб чиқиши мумкин.

## Дисбактериознинг олдини олиш

Мавжуд бўлған сурункали касалликлар ФАР-ЗАНДни кутиш пайтида эмас, балки уни режалаштириш пайтида даволаниб, улардан ҳалос бўлиш лозим. Мутахассисларнинг фикрича, кўпчилик дори воситаларини ҳомиладорлик даврида истеъмол қилиш тавсия этилмайди, айниқса антибиотикларни.

Бўлажак онанинг тўғри овқатланиши жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу организмни боланинг ривожланиши учун зарур бўлған моддалар билан таъминлайди. Ҳомиладор аёл ўз шифокори билан ҳомиладорлик даврида ичиладиган қўшимча дармондорилар қабул қилиш керакми ёки йўқми, маслаҳатлашиши лозим.

## Даволаш

Йўғон ичакнинг микроэкологиясини қайта тиклашдаги энг афзал фосита – бу пребиотиклардир. Уларнинг таъсирида фойдали бактерияларнинг тарқалиши, яъни кўпайиши рўй беради.

Дори-дармонлардан ташқари, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаш учун диета қилиш ҳам яхши ёрдам беради. Мувозанатни қайта тиклашда озиқлантирувчи моддага эга бўлған маҳсулотлар (1000 глюкоза молекулаларидан ташкил топган полимерлар) ёрдам беради. Кундалик рационга кепакли нон (хлеб с отрубями), қизил смородина, наъматак, брусника, туршак, шивит, сули ёрмаси, сабзи, қора олхўри кабиларни қўшиш тавсия этилади.

# ХОМИЛАДОРЛИК ВА ВАРИКОЗ

Бўлгуси оналарнинг ҳар учинчиси оёқларида оғриқни хис этади. Оғирлик, чарчоқ ҳисси, шишлар – кечқурун юзага чиқадиган бу аломатларнинг барчаси варикоз касаллиги бошланаётганидан да-лолат беради. Хўш, бу ҳолда нима қилиш мумкин?

Буни англаб етиш учун, келинг, олдинига организмимиздаги қон айланиш тизими қандай ишлшини кўриб чиқамиз. У артериялар, веналар ва капиллярлардан иборат. Артериялар қонни юракдан аъзоларга етказиб беради, веналар бўйлаб эса қон яна кислородга тўйинган ҳолда артериялар бўйлаб ортга ҳаракат қиласди. Ушбу жараён юракка томон вена оқими деб айтилади. Веналар клапанлар билан жиҳозланган, улар қонни ўтказганидан кейин у пастга оқиб кетмаслиги учун ёпилади. Агар улар ўз ишини бажара олмаса, қон тепага ҳаракатлана олмасдан, веналарда туриб қолади ва уларнинг деворларини кенгайтиради. Варикозда веналарнинг оралиғи кенгаяди, деворлари нозиклашади, клапанлар фаолияти бузилади, натижада қон тўхтаб қолиши ёки вена тизимидағи табий қон айланишининг бузилиши бошланади.

Варикоз – бу бутун организмнинг касаллиги бўлиб, оёқлардаги веналарнинг ўзгариши (шишиб турган ҳаворанг тугунларнинг пайдо бўлиши) унинг энг ёрқин намоён бўлишидир. Кўп ҳолларда бачадон, тухумдон, кичик тос, жинсий ва бошқа аъзолар вена қон томирларида ҳам худди шу ҳолат кечади. Варикоз касаллиги мунтазам равишда вена етишмовчилигининг намоён бўлиш турларидан бири хисобланади. Веналар варикозининг энг ҳавфли оқибати – бу тромбофлебит (веналар деворларининг тромб ҳосил қилган ҳолда яллигланиши) ва томирлар тромбоемболиясидир (яъни касалланган томирнинг тромб билан ёпилиб қолишидир).

## Касаллик нимадан бошланади?

Варикоз ривожланишида қуидагилар муҳим роль ўйнайди:

- ирсият;
- гормонал ўзгаришлар (хомиладорлик, туғруклар, таркибида эстрогенлар миқдори кўп гормонал контрацепция воситаларини қабул қилиш);
- ирқ (касаллик сарик ва қора танли одамларда камдан-кам ҳолатларда учрайди);

• ҳаёт тарзи (варикоз касаллиги томирларининг ҳолатини кузатиб борадиган, кўп ҳаракатланадиган кишиларни четлаб ўтади).

## Шифокорга!

Агар сиз хомиладорликни режалаштирган бўлсангиз ёки фарзанд кутаётгтан бўлсангиз, сизга қарайдиган акушер-гинеколог вена тизимингизнинг ҳолатига албатта эътибор қилиши лозим.

Аввало, шифокор сизга қариндошларингиз веналар варикози билан касалланган ёки йўклигини, ўзингиз қандай касалликларга чалинганингизни, неча марта хомиладор бўлганингиз ва тукқанингизни, гормонал контрацепция воситаларидан фойдаланганлигинизни суриштиради. Кейин умумий гинекологик кўриқдан ўтасиз, сўнгра шифокор вена тизими қандай аҳволда эканини аниқлаш учун ўзингизни (хусусан, оёқлар ва ташқи жинсий аъзоларни) кўриқдан ўтказади. Агар веналар варикози аломатлари аникланса, унда жинсий аъзолар УТ тадқиқотидан ташқари, организмдаги қоннинг қуюқ ёки суюқлигини таҳлил қилиш учун ҳамда ҳомила ва оёқлардаги қон айланиши кўрсаткичларини аниқлаш учун УТ кўригига жўнатишади. Ушбу тадқиқотлар натижалари бўйича шифокор сизга муолажаларни тайинлайди ва 9 ой давомида сизни нафақат акушер-гинеколог, балки флеболог-шифокор ҳам кузатиб боради.

Фарзанд кутиш жараённида, хомиладорлик пайтида веналар варикози халақит бермайдими?

Йўқ, лекин у организмни касаллик пайдо бўлиши ва ривожланишига мойил қилиб қўяди. Статистика маълумотларига кўра, у 20-40 фоиз бўлгуси ёш оналарда пайдо бўлар экан. Бу қуйидаги сабабларга кўра юз беради:

Хомиладор аёлнинг организмидаги айланадиган қон микдори ошади, демак, қон тизимида тушадиган оғирлик ҳам ортади;

Венадаги босим ошади ва оёқ томирларидағи қон айланиш тезлиги секинлашади;

Гормонал фон ўзгаради, у билан бирга органлар ва тўқималарнинг қон билан таъминланиши ҳам.

Агар бўлажак онада варикоз касаллиги мавжуд бўлса, у хомиладорликнинг кечишини оғирлаштириши мумкин. Айтиш жоизки, агар бўлгуси онада варикоздан ташқари, яна қандайдир бактериал (масалан, пиелонефрит) ёки вирус (герпес, цитомегаловирус) инфекциялари бўлса, муаммолар пайдо бўлиш ҳавфи бир неча маротаба ортади.

## Оёқ кафти насоси

Аслида венадаги қон юракка қуидагича қайтиши керак: оёғимизни ерга қўйганимизда, тана вазни ва оёқ кафтидаги мушаклар тўпламининг босими остида қон юракка қайтади. Ушбу турткини оёқ мушаклари давом эттиради, улар қисқарган ҳолда венани сикади.

## Химоя комплекси

Ҳомиладорлик пайтида варикознинг намоён бўлишини юмшатиш мумкинми? Биз нима қила оламиз?

Бунда юкорида айтиб ўтилган қоидаларга амал қилинса яхши бўлади. Бундан ташқари, ҳомиладорликлар орасидаги муддатнинг узоқроқ бўлишига эътибор беринг (бу борада энг хавфсиз интервал 2-3 йил);

Гормонал контрацепция воситаларига эътиборли бўлинг, чунки кўп ҳолларда уларнинг таркибида экстрогенлар миқдори кўп бўлади, ушбу модда томир тизимига салбий таъсири кўрсатади;

Эрталаб ва кечкурун оёқ кафти ва болдиirlар учун контраст душ қабул қилинг; бу қон айланишини яхшилайди. Фақат бўлғуси оналар ушбу мулажада эҳтиёт бўлишлари лозим.

## Ўзимга ёрдам бераман

*Вазнингизни назорат қилиб боринг!* Баъзи ҳолларда қисқа муддат ичida семириш ҳам варикознинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

*Кийимингизга эътиборли бўлинг.* Баданни сиқиб турадиган, натижада қон айланишига салбий таъсири кўрсатадиган сунъий матодан тикилган кийимларни иложи борича киймасликка ҳаракат қилинг, ич кийимларни харид қилишда пахта матодан тикилганларини танланг.

*Пойабзал танлашда адашманг.* Баланд пошнали ва орқаси йўқ туфлилардан воз кечиб, товонни яхши ушлаб турадиган пойабзаллар кийинг. Бундай оёқ кийимларида юриш қон айланиш тизимига яхши ёрдам беради.

*Ич қотишига йўл қўйманг.* Ҳар кунги овқатлашиш рационингизда сабзавот ва мевалар бўлишига эътиборли бўлинг.

Шифокор – энг яқин маслаҳатчингиз. Агар оёқларингизда кўкимтири томирлар пайдо бўлган бўлса, шифокорга мурожаат этинг. Улар вена етишмовчилигидан далолат бериши мумкин.

*Оғир юқ қўтмарманг.* Оғир юқ кўтариш ҳам қон томирларига салбий таъсири кўрсатиши мумкин

Тамаки чекманг ва тетиклаштирадиган ичимликлар (аччиқ қаҳва, чой) ичманг. Мутахассисларнинг фикрича, никотин ва кофеин томирлардаги бўшлиқни торайтириб, деворларининг тузилишини ўзгаришар экан.

Ўтирганингизда ёки ётганингизда тортишии кучини юмшатиш учун оёқларингизни бироз кўтаришинг. Тунда тўшак (матрас) остига ёстиқ қўйинг ёки оёқларингизни шунчаки каравотдан тахминан 10 см баландга кўтариш.

*Узоқ вақт ўтираманг ва тик турманг.*

*Махсус колготкалар.* Улар венани босиб турган ҳолда, уларнинг деворларини меъёрида ушлаб турди. Бундай буюмлар профилактик ва даволовчи бўлиши мумкин. Колготкаларни сотиб олишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг. У колготканинг ўлчамини, веналарингизга зарур бўлган компрессия (босим) даражасини ҳамда буюм турини (пахта, синтетика, каучук аралашган) белгилashi керак. Агар бўлғуси онада веналар варикози мавжуд бўлса, унга компрессия даражаси И ёки ИИ бўлган колготкаларни кийиш тавсия этилади (ИИИ ва ИВ даражали моделлар бўлғуси оналарга мўлжалланмаган).

*Баъзи ўсимликлар* веналар тонусини ошириш, вена деворларини мустаҳкамлаш, яллиғланишларнинг олдини олиш ва қон айланишини йўлга қўйиш хусусиятига эгадир. Бу ерда сўз сохта каштан, гамамелис, қизил узум, қизил сув ўтлари, гинко билоба, қашқарбеда ўсимликлари ҳақида бормоқда. Бундан ташқари, баъзи микроэлементлар (кобальт, марганец ва селен) веналарнинг тонусини оширади. Уларнинг таъсири витаминлар – аксилоксидловчилар (С, Э, ПП) билан яхши ошади. Улар масалан, янги узилган мевалар ва бошоқлиларда мавжуд.

*Баъзи спорт турлари* бу касалликда тавсия этилмайди. Агар ҳомиладор бўлгунга қадар лўқиллаб югуриш, сакраш, теннис, отда юриш, волейбол билан шуғулланган бўлсангиз, бу машғулотлардан вақтинчалик воз кечинг. Бўлғуси оналар учун мўлжалланган махсус дастур бўйича сузиш билан шуғулланинг.

*Күёшда кўп қолиб кетманг.* Фақат эрталаб тобланишга чиқинг, у ҳам узоқ вақтга чўзилмасин.

Варикоз касаллиги безовта қилаётган бўлғуси оналарга акушерлик кузатувидан ташқари, флеболог-шифокорнинг назорати ҳам зарур.



Ҳаж Исломнинг порлок ўтмишини эслатади, мусулмонларнинг диний шуурини уйғотади. Чунки ҳажда мусулмонлар Каъбаи муаззамани тавоғ қиласидар, Иброҳим алайҳиссалом яшаган даврларни тасаввур қиласидар, намоз ўқийдилар, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида равзалини зиёрат қиласидар, Исломнинг шон-шуҳратини юксакларга кўтарган саҳобалар алайҳимуссаломнинг қадамжоларини кўрадилар. Шу сабабли уларнинг қалбида Исломга бўлган муҳаббат кучаяди, улуғ аждодлардан ибрат олиш иштиёқи жўш уради.

Ҳаж мўминларнинг гуноҳлардан покланиши, Аллоҳнинг марҳамати ва баракоти бандалари устига ёғилиши учун бир василадир. Баъзи олимларнинг айтишича, шундай гуноҳлар борки, фақат Арафотдаги вуқуф туфайлигина Аллоҳ уларни кечириши мумкин.

Ҳаж ойлари мусулмон мамлакатларининг турли санъат асарларини намойиш қилувчи халқаро кўргазма, баракотли тижорат мавсумидир. Ҳажда нафақат ваҳий ингандан тупроқларда яшаётган халқлар учун, балки узоқ диёрлардан келган зиёратчилар учун ҳам катта иқтисодий манфаатлар бор.

Ҳаж улкан ҳаёт мактаби, яъни мусулмонлар орасида ўзаро ёрдам ва маълумот алмашинувига сабаб бўлган сафардир. Киши ҳаж сафари асносида кўплаб мамлакатлар, турли миллатларни кўради. Уларнинг ҳаёт тарзи ва урф-одатлари билан танишади, ибратланади, ҳаётий тажрибалар орттиради.

Ҳаж кучли иродага эга бўлган, Аллоҳнинг тавфиқ ва ёрдамига чин дилдан ишониб, таваккул қилган кишилар бажара оладиган бир машаққатли ибодатдир. Бу машаққатлар ҳожининг ахлоқини гўзаллаштиради, қўполлигини кетказиб, унга оддий имконлар билан яшашни, камтарликни, сабр-бардошли бўлишни ўргатади.

Ҳаж бою камбағал, амалдор-хизматчи – ҳаммаси ҳам Аллоҳнинг ожиз бандалари эканини кўрсатувчи, ҳақиқий тенглик, биродарлик кўзгусидир. Чунки ҳажда барча ҳожилар дунё ва унинг зийнатларидан қалбан узиладилар, барча бир хил либос – эҳром кийиб, яхши сўзларни айтиб, худди бир инсондек, ойдин туйғуларга тўлган қалб билан ягона Аллоҳ

таолога ёлворади. Ҳеч ким ўзини дунёвий мартабаси ва бойлиги туфайли бошқалардан афзал кўра олмайди. Фақат тақводагина баъзилари баъзиларидан устун бўлиши мумкин. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: «Араб ажамга нисбатан фақат тақво жиҳатидан фазилатли бўлиши мумкин». Ҳамманинг кийгани эҳром, бу барча мусулмонлар орасидаги ҳақиқий тенгликка ишора қиласиди. Айни пайтда инсониятга бу дунё ва унинг гўзалликларидан айириб, нариги дунёга юзланган дастлабки ҳолатни эслатади. Чунки киши қабрга ҳам эҳромга ўхшаш матога ўралган ҳолда кетади. Бу эса кишини солиҳ амаллар билан охиратга тайёргарлик кўришга ташвиқ қиласиди. Ояти каримада айтилганидек:

«Озуқа олинг, энг яхши озуқа тақводир» (Бақара сураси, 197-оят).

Ҳаж бутун дунё мусулмонларини бир даврага йигувчи халқаро анжумандир. Дунёнинг турли бурчакларидан келган миллионлаб инсонлар Ислом манфаатларини кўзлаб, маҳсус кунларда Аллоҳни зикр қилиш учун тўпланадилар. Исломият уларнинг кўнгилларини, фикрларини ва туйғуларини бирлаштириб туради. Ҳожилар ҳажга келиб, бир-бирлари билан танишадилар, севишадилар, муаммоларини ҳал қилишда бир-бирларига ёрдам берадилар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда айтади: «... Эсла, вақтики, Байтни одамлар учун «масаба» ва омонлик жойи қилдик» (Бақара сураси, 125-оят). Ҳарами шарифда нафақат инсонлар, балки ҳайвонлар ҳам хавфсизлик ва хузур ичидаги бўладилар. Бу жиҳатдан дунёда ҳарамга тенг келадиган макон йўқ. Ривоят қилинишича, Ҳазрати Умар алайҳиссалом: «Каъбада отам Хаттобнинг қотилини ушлаб олсан, у ердан чиққунича унга қўлимни теккизмайман», деган эканлар.

Ҳаж Аллоҳ таолонинг инсонларга берган неъматларига бир шукронадир. Чунки Аллоҳ инсонларга сиҳат-саломатлик, зарурий эҳтиёжларидан ташқари, мол-давлат ва яна кўплаб неъматлар берган. Шундай бўлгач, Аллоҳ берган неъ матларга шукр қилиш фарзидир.

*Насиба Низомхўјса*

# Ажин қарилек белгиси эмас

Ажин одатда организмнинг сўлиб бораётганидан дарак берувчи белгидир. Қариш жараёнида терида бир қанча ўзгаришлар рўй беради. Қон ва лимфа айланининг бузилиши натижасида энг аввал юз, бўйин, кўл панжаларининг терисида шундай ўзгаришлар юзага келади. Гавда терисининг очиқ жойлари доим ташки мухитнинг нокулай омиллари таъсирида бўлиши туфайли уларни кийим беркитиб турадиган қисмларига нисбатан бирмунча тезроқ ажин босади.

Лекин ажинлар ҳамиша ҳам қарилек нишонаси эмас. Доим пешонани тириштириш, қошларни юқорига кўтариш ёки қовоқ солиш, кўз, лабларни кисиш, оғиз бурчакларини жийириб, энгакни томоққа тақайверишга одатланиш ҳам вақтидан илгари ажин тушишига олиб келади.

Юз ва бўйин терисини парвариш қилишга эътибор берилмаса, спиртли эритмалар, терини оқартирадиган маз(малхам дори)лар ҳаддан ташкари кўп ишлатилса, тери суртилган косметика (пардоз) воситаларидан вактида тозалаб турилмаса ёки тишларнинг йўқлиги ҳам ажинлар пайдо бўлишига замин яратади.

Ажин тушишининг олдини олиш учун умуман, саломатликни яхшилаш, тўғри овқатланиш, меҳнат қилиш ва дам олиш тартибига амал қилиб бориш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш, баданни офтобда меъёри билан тоблаш, юзни қаттиқ шамолдан эҳтиётлаш лозим. Мутлақо ажин туширмайдиган пардоз воситалари йўқ. Лекин юз, бўйин, кўл терисини тўғри ва мунтазам парвариш қилиб бориш ажин тушишини секинлаштиради. Косметологларнинг тавсияларига кўра, юзни вақти-вақти билан уқалаб туриш юз терисининг таранг, соғлом ва жозибадор бўлишини таъминлайди.

Косметика – терини парвариш қилиш, кишилар қўринишини гўзаллаштириш воситалари ва усуллари қадим замонлардан ҳам қўлланган.

Узоқ ўтмишда мисрликлар, римликлар, арабларда ёноқ, киприк, қовокларни бўяш, сочни жингалак қилиш расм бўлган. Атир ўрнини босадиган хушбўй мойлар ишлатилган. Косметика воситалари таркибига ҳозирги кундаги каби ҳайвон ва ўсимлик мойлари, эфир, смола, турли упа, бўёклар ва ҳоказолар кирган. Ҳозирда эса косметика тиббий ва пардоз косметикаси дея икки турга бўлинади.

Тиббий косметика – терини парваришлаш ва ундағи турли нуксонларнинг олдини олиш, бартараф этиш, соч, оғиз бўшлиғи, тирнокларни парваришлашнинг гигиеник ва даволаш тадбирларини ўз ичига олади. Косметик хирургияда бурун, лаб, қулоқ супрасидаги

турли нуксонлар жарроҳлик усули билан олиб ташланади. Пардоз косметикаси эса юз чиройини очиш мақсадида қўлланилади. Пардоз косметик воситасига қош-қовоқни бўйядиган қалам, сурма, киприк туши, соч бўёғи, кизартирувчи, оқартирувчи упа, лаб бўёғи, косметика кремлари, мой-упа, терлатмайдиган воситалар, атир, одеколон ва ҳоказолар киради. Косметика воситаларидан фойдаланишда, албатта, лаборатория, клиникалар текширувидан ўтган табиий воситаларни қўллаш кутилган натижаларни бера олади.

## Терининг ҳидланиши

Тери организмни ташки мухитнинг заарли таъсирларидан, турли касаллик қўзғатувчи микроблардан асрайди. Шунингдек, организмдаги ҳароратнинг бир меъёрда сақланишида фаол қатнашади.

Терининг ҳар бир сантиметр юзасида 64 дан 200 тагача тер ишлаб чиқарувчи безлар, кафт ва оёқ тово ни юзасида эса 430 га якин бўлади. Шунинг учун ҳам кўл ва оёқ кўп терлайди. Тер нордон бўлгани учун ҳам терини баъзи заарли микроблардан сақлайди. Оддий ҳолатда у хидсиз бўлади. Лекин тердаги ёғ моддаларининг бактериялар орқали бузилиши натижасида қўлтиқ ва оёқда ёқимсиз хид пайдо бўлади.

Кўл кафти, товоң юзасида ҳам ҳаддан ортиқ терлаш ҳоллари учрайди. Бундай терлашда тери бўртади, бактериялар таъсирида терда ачиш жараёни бошланади, бўғин териларининг бичилишига, оёқ-товоң тери сининг шилиниб кетишига сабаб бўлади.

Терлашнинг олдини олиш ва даволаш мумкин. Оёқни ҳар куни ванна қилиш, чиниқтириш учун илиқ ва совуқ сувга галма-гал солиш тавсия этилади. Қўлтиқ остининг, оёқларнинг кучли терлаши ва ҳидланишини турлича даволаш мумкин. Жумладан, формалин, спирт ва уротропин аралашмасига пахтани шимдириб, оёқ, товоң юзасига кунига бир маротаба суртилади. Бу ишни бажаришдан олдин оёқ совун билан ювилиб, куруқ қилиб артилади. Қўлтиқ остига суриш учун бу эритмага икки баравар нисбатда сув кўшилади. Агар бармоқ оралари бичилиб, ёрилган бўлса, марганцовка эритмасида ванна қилиш лозим. Терлашнинг олдини олишда энг яхши восита – терини тоза сақлашдир. Бунинг учун оёқни совун билан ювиб, пайпоқни ҳар куни алмаштириб туриш керак. Қўлтиқ остини ҳам иссиқ кунларда лоақал бир маротаба ювиш шарт. Шунда хиддан асар қолмайди.

Дарвоқе, таҳорат қиласиган кишилар учун алоҳида муолажаларга вақт, пул сарфлашнинг ҳожати йўқ. Кунига камида тўрт марта ювилган оёқдан ҳеч қандай ёқимсиз хид келмаслиги шубҳасиздир.

## «ҮТКИР» ПИЦЦА

*Хамири учун керакли масаллиқлар:* 200 гр ун, 20 гр хамиртуруш, ярим чой қошиқ туз, 4 ош қошиқ затын ёғи.

*Қиймаси учун керакли масаллиқлар:* 400 гр тұғралган помидор, 2 ош қошиқ үсімлик ёғи, туз, мурч, куритилған жамбил, 200 гр пишлок, 10 дона бутун помидор, 150 гр колбаса.



*Тайёрланиши:* Эланған унда чуқурча ҳосил қилинади. З ош қошиқ илиқ сувда эритилған хамиртуруш чуқурчага солинади. Устидан ун берекитилади. 15 дақықадан кейин 75 мл сув, туз, үсімлик ёғи күшилади ва хамир қорилади. Сұнг устини ёпіб, ошириш учун 1 соатта илиқ жойға күйилади.

Тұғралған помидорлар қовурилади. Тузи ва мурчи ростланади. Пишлок, колбаса ва бутун помидорлар доира шаклида тұғралади.

Хамир үртасидан бўлинади ва диаметри 28 см катталиқдаги думалоқ нончалар шаклида ёйилади. Тайёрланған масаллиқлар хамир устига жойланади ва устидан затын ёғи сепилади. Пицца 15 дақиқа давомида пиширилади.

## ЮПҚА

*Керакли масаллиқлар:* 100 гр ун, 100 гр күй гүшти, 100 гр пиёз, зира-врлар, ёғ, туз.

*Тайёрланиши:* Сув, туз билан ўртача юмшоқликда хамир қорилади ва тиндириб күйилади. Гүшт пиёз билан биргаликда гүшт қиймалагичдан ўтказилади. Қиймага зиравор ва туз күшиб арапаштириб, енгилгина қовуриб олинади ва совутилади.

Тиндириб күйилған хамирдан зувалачалар узиб, юпқа қилиб ёйилади. Товарда ёғ қиздириб, юпқалар ёпіб пиширилади. Пишган юпқалар устма-уст тахланиб, усти ёпіб күйилади. Сұнгра ҳар бир юпқа үртасига қовурилған қийма күйиб, конвертсимон шаклда ўраб, лаганга тахланади.

## «БАЙ-БАЙ» РУЛЕТИ

*Керакли масаллиқлар:* Хамири учун: 250 гр ун, 2 дона тухум сариги, 2 ош қошиқ сариёғ, бир чимдим

туз. Начинкаси учун: 4 дона олма, 100 гр майиз, 100 гр ёнғоқ, лимон шарбати.

*Тайёрланиши:* Ун, туз, 125 мл сув, тухум сариги ва сариёғдан юмшоққина хамир қорилади. Зувалага үсімлик ёғи суртиб, 40 дақиқага тиндириб күйилади. Олмалар тозаланиб, паррак-паррак қилиб тұғралади хамда лимон шарбати, майиз ва ёнғоқ билан арапаштирилади. Хамир унланған тахта устига ингичка қилиб ёйилади. Начинка солиниб, рулет шаклида үралади. Рулет ёғланған патнисга күйилади ва қызиган газ духовкасида 45 дақиқа давомида пиширилади. Тайёр пиширик устидан шакар упаси сепилади.



## ШАРҚОНА САЛАТ

*Керакли масаллиқлар:* 200 гр қайнатилған мол гүшти, 100 гр қайнатилған қизил сабзи, 4 дона қайнатилған тухум, 200 гр бодринг, 150 гр турп, 150 гр оқ карам, 1 бояғ күқат, таъбга кўра туз ва сирка.

*Тайёрланиши:* Аввал гүшт, сабзи, бодринг сомонча шаклида тұғралади. Майдалаб тұғралған карам туз билан арапаштирилади ва сирка билан сув арапаш-масида ивитең күйилади. Турп ҳам сомонча шаклида тұғралиб, 10-15 дақиқа намакобга солиб күйилади. Сувини тўкиб ташлаб, устига майда тұғралған тухум күшилади. Сұнг бу тайёрланған масаллиқларнинг ҳаммаси яхшилаб арапаштирилади ва салат усти тухум бўлаклари билан безатилади.



## ТҮЙИМЛИ ДЎЛМАЛАР

*Керакли масаллиқлар:* 500 гр товуқ гүшти, 100 гр сариёғ, 100 гр ёнғоқ, 2 дона тухум, 150 гр кўк нўхат, 2 дона пиёз ва туз.

*Тайёрланиши:* Товуқ гүштининг лаҳм жойи тозаланиб, урилади. Қолған гүшт ва пиёз гүшт қиймалагичдан ўтказилиб, майдаланған ёнғоқ, сариёғ, тухум күшилади ва яхшилаб арапаштирилади. Тайёр бўлған қийма лаҳмга жойлаштирилади ва котлет шаклига келтирилади. Оқ нон талқонига буланиб, ёғда қовурилади ва 10-15 дақиқа духовкада пиширилади. Пишган таом қовурилған картошка ва кўк нўхат билан дастурхонга тортилади.

## ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

1. Сариёғ нам сочиққа ўраб қўйилса, иссиқ кунда ҳам эримайди.



га мита тушмаслиги учун улар солинган идишга саримсоқнинг бир бўлagini ташлаб қўйиш кифоя.

4. Жигар қайнаб турган сувга солинса, устидаги юпқа парда осон кўчади.

5. Эмалланган ванна озроқ новшадил спирти кўшилган совунли сувда артилса, яхши тозаланди.

6. Эшик, дераза ошиқ-мошиқлари ғирчиллайдиган бўлиб қолса, шагам эритмасини томизиб қўйиш керак.

7. Ойналар 1 л сувга озгина уксус қўшиб артилса, ярақлаб қолади.

8. Дазмолнинг таги сарғайиб қолса, лимон шарбати билан артиб, шакар упаси суриб, совук сувда чайлади. Ёки биринчи совуқ сувда чайиб, устига туз сепилади ва қуёшнинг тик нурлари остига қўйилади.

10. Велвет ва бахмал матолар ўзига кўп чангни ютгани учун сув қўшилган водород перикси билан артилади. Водород периксини дорихоналардан топиш мумкин.

11. Янги туфли сирпаниб кетаверса, тагини кумқоғоз билан ишқаб ташланг.

12. Оёқни урадиган пойабзални бир оз қайнаб турган човгун буғига тутиб турилади. Сўнг қалинроқ пайпоқ кийиб, оёқ қолипига туширилади. Шундай қилинса, чарм кенгаяди.

13. Бир бўлак паҳтага бир томчи лимон ёғини шимдириб, ваннахонанинг қуруқ жойига қўйиб қўйилса, ҳар доим хушбўй ҳид келиб туради.

14. Қўлдаги пиёз, саримсоқ ҳидини кетказиш учун қўлни туз билан ишқалаб ювиш керак.

15. Қизил лавлагини тўғраб, ўсимлик ёғи би-

лан аралаштириб олинса, бошқа сабзавотларга ранги ўтиб кетмайди.

16. 1л сувга ярим чой қошиқ туз солиб аралаштириб, ушбу эритмани кирланган гилам ва поёндозлар устига сепиб, супуриб олинса, кири кетади.

17. Кумуш кирланса, қатиққа солиб тозаланди. Тилла кирланса, 1 стакан совунли сувга 5-6 томчи новшадил спирти томизиб, ушбу аралашма билан ювилади.



18. Ошхонадан нохуш ҳид келса, бир бурчакка нам сочиқ осиб қўйиш лозим.

19. Кўл териси қуриб кетса, бир ош қошиқ ичимлик содасини 1 л иссиқ сувга солиб, ванна қилиш керак.

20. Оқ кийимларни ювиш учун бир чеълак сувга бир ош қошиқ новшадил спирти солинса, оқартирувчи мослама тайёр.

21. Сочлар ялтираши учун 1 л сувга 1ош қошиқ уксус солиб, соchlарга шу сувни бир неча бор суриш керак. Кейин соchlарни унча совуқ бўлмаган сув билан ювиб ташлаш лозим.

**Насиба Низомхўжса**

